Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 169 (20. 137) • 1988 йил 24 июль, • якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Далалардан дараклар

ЗАРБДОР 50 КУН

● Денов районидаги Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхози пахтакорлари ғўза парваришида зарбдор 50 кунликка фаол қўшилиб, дала ишларини тобора қизитмоқдалар. Заршунослар жорий йилда 3443 гектар майдоннинг ўртача ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишмоқчи. Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари соҳиби Тўйли Мирзақулов, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиқлари Қурбон Муҳаммадиев, Мирзаали Очилдиев, Ўрмон Ориповлар ўзаро мусобақада пешқадам. Бу коллективларда ғўза тўртинчи марта комплекс ишловдан чиқариляпти.

Т. ШАРИПОВ.

ҒЎЗА КЎСАКЛАЙ БОШЛАДИ

● Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг Баҳром Ҳамидов бошлиқ бригадасида ғўза кўсаклай бошлади. Заршунослар мавжуд 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 28,3 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилиб, шу кунларда зарбдор вахтада туришибди. Механизатор Маҳмуджон Юсупов ғўзаларни культивация қилишда барчага ибрат. Вали Раҳмонов, Эргаш Юсупов сингари моҳир сувчилар ниҳолларга бир текис обиҳаёт тарамоқдалар. Ёппасига гуллаган ниҳолларда шода-шода кўсаклар пайдо бўлди.

У. МУҲАМЕДОВ.

ШАРТНОМА АСОСИДА

● Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозида оилавий звенолар сони тобора кўпайиб бормоқда. 63 хонадон 467 гектар ерда деҳқончилик қилаётир. Уларнинг ҳаммаси давлатга 1405 тонна пахта етказиб бериш юзасидан шартномага имзо чекишган.

А. Ражабов, Р. Худойберганов, Х. Тоиров, Ф. Абдураҳмонов бошлиқ оилавий звеноларнинг ҳар бири гектаридан 30-32 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишди. Ҳозиргача бу ерда ғўзаларга 4-5 мартадан ишлов берилди. Икки марта қондириб суғорилган ниҳоллар баравж ривожланиб гулга бурканди, кўсаклар пайдо бўла бошлади.

Б. ДЎСЧОНОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 21 июль куни бўлган навбатдаги мажлисида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси йўл-йўриқларини, шунингдек, конференция делегатлари киритган таклифларни амалга ошириш чораларини муҳокама қилди. Бу чоралар партия фаолиятига, партия аппаратини такомиллаштиришга, туб иқтисодий ислоҳот ва сиёсий система ислоҳотини чуқурлаштиришга, шунингдек, савдони, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари ва хизматлар билан аҳолини таъминлашни яхшилаш масалаларини ҳал этишга тааллуқлидир.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси тайёрланган ҳужжатларни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда 15—16 июль кунлари Польша пойтахтида бўлиб ўтган Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар делегациялари раҳбарларининг учрашуви якунлари ҳам муҳокама қилинди. Сиёсий бюро Совет делегациясининг фаолиятини маъқуллади. Иттифоқчи мамлакатлар сиёсий алоқаларини ривожлантиришда муҳим босқич, халқаро турмушда катта воқеа бўлиб қолган Варшавадаги кенгаш дунёдаги ижобий ўзгаришларни — СССР билан АҚШ ўртасида, Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар билан НАТО давлатлари ўртасида муҳолифлик сусайиши ва сиёсий мулоқот бошланганлигини, ядро қуролларини реал қисқартириш ва регионал можароларни ҳал қилиш йўлидаги дастлабки қадамларни таъкидлади.

«Умумевропа хонадони» концепциясининг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар компонентлари ишлаб чиқилганлиги, Европада қуроллари кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан музокаралар платформаси қабул қилинганлиги, қитъадаги ўткирлашиб бораётган экология муаммоларини коллектив бўлиб ҳал этиш юзасидан таклифлар олға сурилганлиги кенгашнинг энг муҳим якунидир.

Мажлисда Варшава Шартномаси доирасида сиёсий ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро муносабатларнинг туб муаммоларини мунтазам коллектив таҳлил қилиб боришнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Сиёсий маслаҳат комитети кенгаши ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар делегациялари раҳбарлари учрашуви якунларини амалга оширишга қаратилган конкрет чора-тадбирлар белгиланди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Польшага қилган расмий дўстлик визити якунларини маъқуллади. В. Ярузельский билан, ПХРнинг бошқа раҳбарлари билан олиб борилган музокаралар, Совет — Польша Қўшма баёноти икки томонлама муносабатлар, социализмни ривожлантириш ва жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари юзасидан Совет ва Польша раҳбарларининг қарашлари ўхшаш эканлигини, қайта қуриш ҳамда социалистик жамиятни янгилаш муаммоларига КПСС ва ПБИП ёндашувларининг муштараклигини намойиш қилди. ПХР меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган жуда кўп учрашувлар Польша жамоатчилиги орасида СССР билан иттифоқ, дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган кайфиятлар мавжудлиги ва кучаётганлигини кўрсатди.

Иқтисодий ҳамкорликка янги сифат бахш этиш учун фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида куч-ғайратларни бирлаштириш, ишлаб чиқариш кооперациясини, бевосита алоқаларни, маънавий соҳадаги баҳамжиҳат ҳаракатларни ривожлантириш тўғрисида Польша томони билан ҳамжиҳатликка эришилгани Совет — Польша алоқаларининг ҳамма жиҳатларини янада юксак босқичга кўтариш имконини беради. Эришилган аҳдномаларни амалга ошириш ҳамда визит давомида кўтарилган конкрет масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 44-мажлиси якунлари кўриб чиқилди ва Н. И. Рижков бошчилигидаги Совет делегациясининг фаолияти маъқулланди. Сессияда қабул қилинган ҳужжатлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳар томонлама ҳамкорликка, бирлашган бозорни босқичма-босқич тузиш мақсадида ана шу ҳамкорлик механизмини, план ва товар-пул воситаларини такомиллаштиришга кўмаклашади. Бу ҳужжатлар келгуси беш йиллик планларини мувофиқлаштиришни авж олдириш, бу ишга план органлари билан бир қаторда корхоналар, бирлашмалар, мамлакатнинг хўжалик ташкилотларини кенг жалб этишга имкон беради.

Ана шу жараёнларни ривожлантириш учун СССРда энг қулай шароитлар яратиш зарурлиги уқтирилди. Совет ҳукуматининг ички улгуржи ярмаркаларда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган манфаатдор ташкилотларни ўзаро иштирок этиш асосида жалб қилиш тадбирлари маъқулланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кўзда тутилган ҳамкорликни қайта қуриш(бу қайта қуриш қардош партиялар раҳбарларининг 1986 йилда Москвада бўлган амалий учрашувида бошлаб берилган эди) умумжаҳон иқтисодий муносабатларини ривожлантиришга, халқлар ўртасида тинчлик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси М. С. Горбачевнинг ВСИП Бош секретари, ВХР Министрлар Советининг Раиси К. Грос билан суҳбатлари якунларини маъқуллади. Икки партиянинг социалистик тараққиёт вазифаларига принципиал ёндашувлари ўхшашлиги, бу ўхшашлик КПСС билан ВСИП партия конференциялари қарорларида яққол намоён бўлганлиги мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро эътиқодга кўра, бу тажриба алмашишни кучайтириш, иқтисодий алоқалар механизмини қайта қуриш, бевосита инсоний алоқаларни кенгайтириш негизларини мустаҳкамлайди. Учрашувда эришилган аҳдномаларга асосланиб топшириқлар берилди.

М. С. Горбачевнинг Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нгуен Ван Лин билан суҳбати натижалари маъқулланди, бу суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро майдонда СССР билан ВСР-нинг баҳамжиҳат ҳаракатлари кенг доирадаги масалалари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Совет — Вьетнам иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигига янги омил бағишлаш, икки томонлама алоқаларнинг энг самарали формаларини қидириш муҳимлиги таъкидланди.

Совет томони Вьетнамнинг Кампучия теварагидаги можароли вазиятни тезроқ бартараф этишга, Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббускорона куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаётганлиги изҳор қилинди.

Мажлисда Н. И. Рижковнинг Чехословакия Социалистик Республикасига қилган расмий дўстлик визити якунлари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Совет — Чехословакия музокаралари ва ЧССР раҳбарлари билан суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва халқаро ҳаётнинг муҳокама қилинган барча масалалари юзасидан тўла ҳамжиҳатлик тасдиқланди. Икки қардош партия ўртага қўйган ижтимоий ҳаётни қайта қуриш ва демократиялаш вазифасининг изчиллик билан бажарилиши СССР билан ЧССР ўртасидаги муносабатларнинг бутун комплексини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга, интеграция алоқаларини янада мустаҳкамлашга, ҳамкорликнинг янги, илғор формаларини ривожлантиришга кўмаклашади. Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг ҳаётий манфаатларига, тинчлик ва социализм ишига мос келади.

Сиёсий бюро расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон Президенти Р. Венкатараман билан М. С. Горбачев учрашувлари ва А. А. Громико олиб борган музокаралар якунларини маъқуллади. Ҳиндистон давлати бошлиғининг СССРга визити халқаро тинчликни мустаҳкамлаш ишида Совет — Ҳиндистон алоқаларини кенгайтириш йўлидаги яна бир катта қадам бўлганлиги таъкидланди.

Сиёсат, экономика, фан, техника, маданият соҳасида Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётганлиги тасдиқланди. СССРда Ҳиндистон фестивалига ва Ҳиндистонда Совет Иттифоқи фестивалига юксак баҳо берилди, бу фестиваллар халқ дипломатиясининг ёрқин мисоли, икки мамлакат халқларининг бир-бирларига дўстлик, ҳайрихоҳлик ва ҳурмат туйғулари ифодаси бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички ва ташқи сиёсатнинг баъзи бошқа масалалари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

М. С. Горбачев Я. Накасонэни қабул қилди

М. С. Горбачев 22 июль куни Кремлда Япония парламентининг депутати Ясухиро Накасонэни қабул қилди.

М. С. Горбачев Японияниг собиқ Бош министри билан саломлашиб, чамаси бу учрашувни ҳар икки томоннинг олдинги муддаоларининг ниҳоят амалга ошганлиги, деб ҳисоблаш мумкинлигини айтди. Шу билан бир вақтда Совет — Япония муносабатлари бутун дунёдаги жараёнлардан ва СССР билан Японияннинг учинчи мамлакатлар билан муносабатлари даражасидан орқада қолиб, бир жойда депсиниб тураверди.

Суҳбатдошлар ҳозирги дунёга кенг ёндашганликлари ҳисобга олинса, суҳбат кенгайтирилган концепцуал планда бўлди.

Менинг истагим, деди М. С. Горбачев, ҳозирги дунё ва унинг асосий тенденцияларини умумбашарий қадриятлар объектив мавжудлигидан, биз ҳаммамиз ҳар хил бўлишимизга қарамай, битта планетадаги битта цивилизация эканлигимиздан келиб чиқиб, эркин ва ошкора муҳокама қилишдан иборат. Агар қарши томонни қандай қилиб бўлмасин мағлубият етказиш категориялари билан фикр юритилмаса, самарали мулоқот бўлиши мумкин. Танлаб олинган социал йўл ва шунга мувофиқ равишда мафкуравий ва сиёсий қадриятлар турлича бўлиши мумкин. Объектив тасдиқланган факт ана шундан иборат. Биз, коммунистлар бунга хотиржам қараймиз. Шунга мувофиқ равишда коммунизмга қарши ҳар қандай «салб юришлари» биз учун бемаъни эшитилади. Бу эътиқодим бутун социалистик дунёдаги жамоатчилик фикрини акс эттиришига ишончим комил, тафовутлар урушиш учун асос бўлолмайди. Бу энг муҳимидир. Агар мана шу нарса тан олинадиган бўлса, у ҳолда «олий камолот» монополиясига даъво қилмай (ҳар қандай монополия чиришга олиб боради), самарали суҳбат олиб бориш ва ҳатто мусобақалашиш мумкин.

М. С. Горбачев «Учлик комиссияси» бошқа вакилларининг иштироки билан янги учрашувларимиз бўлади, деб Я. Накасонэнинг эслатишига жавобан бундай деди: агар ҳозирги дунё реалликларини тушуниб етишга, бир-бирлари тўғрисидаги тасаввурларни чуқурлаштириш муддаосига амал қилинса ва ҳар бир халқ мулкнинг қандай формасини афзал кўришини, «қайси худога сажда қилишни» ва ўзи учун қандай қадриятлар маъқуллигини ўзи танлаб олишига асосланиб, ҳамма учун яхши келажак истиқболлари қидирилса, бундай баҳс ўтказиш маъноли бўлади. Эски андозаларга ёпишиб қолмай, юз бераётган жараёнларни чинакамига тушуниб етиш учун тўпланган тажрибадан ва доноликдан (бу ҳақиқатан ҳам донолик бўлса) фойдаланиш лозим. Бу қийинчиликлардан холи бўлишга ёрдамлашади, босиқлик билан ёндашувни кўпайтиради, халқаро муносабатларни соғломлаштиришга хизмат қилади.



Суҳбат бошланиши олдидан. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Ўзларини сиёсатга бағишлаган ва бу ишда тажриба орттирган кишилар ўзларининг мана шу машғулотларини ақл-идрок ўйинига айлантириб, реал эҳтиёжлардан, халқ манфаатларидан ажралиб қолган сиёсий олифтагарчиликни намойиш қилсалар, хавф-хатар ҳамиша сақланиб қолаверади. Ҳозирги давр сиёсатини сиёсатбозлик хатари бўлган ана шу профессионализм касаллигидан халос қилиш керак. Ташвишланаётган, хавотирланаётган дунёга янги тафаккурга, янгича ёндашувларга, реалликларга жиддий муносабатда бўлишга асосланган янги сиёсат зарур.

Я. Накасонэ Шарқ—Ғарб, жумладан, Осиё — Тинч океани регионида ҳамкорлигига оид ўз концепциясини баён қилиб берди. М. С. Горбачев Накасонэнинг қизиқарли мулоҳазаларида қўшилиб бўлмайдиган, баҳслашиш мумкин бўлган жиҳатлар ҳам борлигини ва бу мавзунинг муҳокамасига қайтишга тайёр эканлигини айтди. Осиё — Тинч океани регионида ички ўзаро муносабатларига оид Я. Накасонэ ишлаб чиққан схемада Совет Иттифоқи тилга олинган жойларни кўрмаганлигини йўл-йўлакай таъкидлаб, ана шу схемани 1986 йил Владивостокда сўзлаган нутқида таклиф этилган, иқтисодий алоқаларни кучайтириш орқали, икки томонлама ва кўп томонлама сиёсий мулоқот орқали, ишонч зоналарини вужудга келтириш ва бошқа ҳаракатлар орқали XXI аср цивилизацияси манфаатлари йўлида Осиё — Тинч океани регионига алоқадор бўлган мамлакатларнинг биронтасини ҳам истисно қилмай, ҳамманинг ва ҳар бир томоннинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат бошлашга таклиф қилувчи ёндашув билан қиёслади. Зиддиятлар, муаммолар ва мураккабликларнинг мавжудлиги ҳеч нарса қилмаслик учун асос эмас, балки, аксинча, ҳаракат қилиш учун асосдир.

М. С. Горбачев америкалик арбоблар ва бошқа арбобларда Ғарб — Шарқ муаммоси хусусида ошкора эълон қилинаётган мақсадлар билан ёпиқ музокаралар практикаси ўртасида тафовут борлигига, бундай ёпиқ музокараларда ҳали ҳам Совет Иттифоқига нисбатан шубҳа ва ишончсизлик уруғи сочилаётганлигига ва ҳамон «куч сиёсати» руҳи ҳукмронлик қилаётганлигига ҳам эътиборни қаратди.

Совет — Япония муносабатлари турли жиҳатлардан қараб чиқилди. Я. Накасонэ японларни Совет Иттифоқи билан бирга иш олиб боришга қизиқтириш лозимлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Бу, аввало, Узоқ Шарққа тааллуқлидир, у ерда хилма-хил алоқалар — иқтисодий, спорт, туризм, маданий алоқалар матлубдир. М. С. Горбачев Узоқ Шарқни ривожлантириш планлари тўғрисида гапириб берди. Бу планлар ҳозир Умумиттифоқ программасига бирлаштирилган бўлиб, Сибирь ва Узоқ Шарқни мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан жадалроқ ривожлантиришни кўзда тутади. Яқин вақт ичида Владивостокни очиқ шаҳарга айлантиришни ўйлаяпмиз.

Суҳбатда СССР — Япония давлатлараро муносабатлари масалалари катта ўрин олди. Бу муносабатлар таркиб топган тарихий вазиятга турлича баҳолар билдирилди. Принципиал жиҳатдан, деди М. С. Горбачев, биз ҳамма йўналишларда — сиёсий алоқалардан тортиб одамларнинг мулоқотларигача ҳамма йўналишларда яхши муносабатлардан манфаатдормиз. Қайта қуришнинг уч йили давомида, СССРнинг дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан муносабатлари анча яхшиланган бир пайтда, Япония билан муносабатлар турғун ҳолатда қолганлигидан, баъзан эса орқага сурилиб кетганлигидан афсусланамиз. Сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, яхши қўшничилик жиҳатдан ҳам бундай муносабатлар ана шундай кўламдаги икки қўшни давлатга ярашмайди. Чамаси, бу маълум даражада муносабатларни яхшилашдан Японияга нисбатан Совет Иттифоқи кўпроқ манфаатдор, деган тасаввур ҳали ҳам сақланиб қолаётганлиги билан боғлиқ бўлса керак. Агар сиёсат ҳақиқатан ҳам ана шундай тасаввурга асосланган бўлса, у ҳолда сиз билан биз ҳеч нарса қила олмаймиз. Биз ўз томонимиздан япон халқи манфаатларига путур етказадиган ҳеч қандай иш қилмасликка интилмоқдамиз. Лекин, табиийки, ультиматум билан ёндашувлар ва талаблар биз учун мақбул бўлмайди.

Биз Совет — Япония муносабатлари тўғрисидаги гапларни дипломатия муносабатлари тикланган пайтдан эмас, балки уруш якунларидан бошлаш керак, деб ҳисоблаймиз. Агар биз ҳақиқатан воқеаларни аниқлаб олмоқчи бўлсак, гапни ана шундан бошлашимиз керак. Бу воқеаларга Японияниннг бошқа мамлакатлар билан алоқалари қандай таъсир ўтказганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур, албатта.

Ҳар икки томон Совет — Япония муносабатларини боши берк кўчадан олиб чиқиш ва уни нормал ривожлантириш учун омил бахш этишга интилиб, ана шу муносабатларни юқоридагидек муҳокама қилиш охирида М. С. Горбачев қуйидагиларни қайд этишни таклиф қилди: мазмунли фикрлашиб олинди. Совет — Япония муносабатларини ривожлантириш иккала мамлакат манфаатларига мос келади ва жаҳонда юз бераётган жараёнга, Осиё — Тинч океани регионидаги вазиятни яхшилашга ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин; қарашларда тафовутлар бор, лекин муносабатларни ривожлантириш тўғрисида ўйлаш керак, деган фикрга иккала томон қўшилади. Шу муносабат билан шу йилнинг охирида совет парламент делегациясини Японияга юбориш ва СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварнадзенинг Японияга визити тўғрисидаги аҳднома тасдиқланди. Келгусида олий даражада ўзаро визитлар ҳам истисно қилинмайди.

М. С. Горбачев суҳбатдошининг илтимосига мувофиқ XIX партия конференцияси якунлари асосида қайта қуришнинг энг катта муаммоларини таърифлаб берди.

М. С. Горбачев Накасонэдан партиядош ҳамкасбларига ва бутун япон жамоатчилигига салом топширишни илтимос қилди: японлар Совет Иттифоқини яхши қўшни, деб ўйласинлар. Биз Японияга фақат эзгу ниятлар билдирамиз.

Я. Накасонэ ўз номидан ва Бош министр Н. Такэсита номидан улар яхши қўшничилик асосида Япония — Совет муносабатларини ривожлантиришни ёқлаётганликларини совет кишиларига етказишни илтимос қилди.

Учрашувда элчи Т. Муто ва Япония ташқи ишлар министрлиги бўлим мудири К. Того ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети Президиуми 22 июль куни бўлган мажлисида «Маҳсулот сифати тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасини кўриб чиқди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошқарди.

СССР Стандартлар давлат комитетининг раиси Г. Д. Колмогоров лойиҳанинг асосий қоидалари ҳақида ахборот берди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда иштирок этган ишчилар, давлат қабули раҳбарлари, техника контроли бўлимлари бошлиқлари ва корхоналар, бирлашмалар бош директорлари, олимлар ва мутахассисларнинг дастлабки нутқларидаёқ мазкур ҳужжат маҳсулот сифати муаммосини ҳал этишнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик методларини сақлаб қолишга қаратилганлиги учун кескин танқид қилинди. Шундан кейин гап СССР Министрлар Совети Президиуми кўриб чиқиши учун тақдим этилган лойиҳада халқ хўжалигига раҳбарликнинг иқтисодий методларига асосланган принципиал қоидалар йўқлиги хусусида борди. Лойиҳа СССР Давлат корхонаси ва СССРда кооперация тўғрисидаги Қонунларда баён этилган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий нормалардан ажраб қолганлиги таъкидланди. Хўжалик юритишнинг янги шароитларида «Маҳсулот сифати тўғрисида»ги Қонуннинг ишлаб чиқилаётган лойиҳасида ҳозир иқтисодий тафаккур ва практика туфайли юзага келган барча илғор тажрибалар акс этиши керак, мажлиснинг кўпчилик қатнашчилари айтган асосий фикр ана шундай. Лойиҳа, аввало, маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашда меҳнат коллективлари ва ҳар бир ходимнинг жуда катта потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратишга қаратилган бўлиши керак. Социалистик бозор ва рақобатнинг ўсиб бориши шароитида товарлар ва хизматлар сифатига баҳо беришда истеъмолчининг роли беқиёс ортиши таъкидланди.

СССР Министрлар Совети Президиуми тақдим этилган «Маҳсулот сифати тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилмади ва янги Қонун лойиҳаси қайта қуриш ва мамлакат социал-иқтисодий равнақини жадаллаштириш талабларига тўла жавоб бериши учун мутахассислар, етакчи олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, хўжалик раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокида уни тубдан қайта ишлаб чиқишни топширди.

(ТАСС).

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИДА ҲОЗИРЧА ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

23 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг мажлиси бўлди. Идоралараро фан-техника маркази (ИФТМ)нинг янги пахта териш машинасини яратиш борасидаги фаолияти кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов олиб борди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири Н. Тўхлиев ва ИФТМнинг илмий раҳбари, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги А. Д. Глушченко ахборот бердилар. Улар марказ ишлаб турган икки йил мобайнида ўртача ва ингичка толали пахта навларини терувчи машиналар яратилиб, уларнинг экспериментал намуналари синовдан ўтганлигини таъкидладилар. Ҳозир оширилган тезликда ишлай оладиган икки қаторли ва тўрт қаторли техниканинг янги намуналари дала шароитида ишлашга тайёрланмоқда. Янгиликлар орасида далаларда дефолиацияни қўлланмай ишлаш учун мўлжалланган «ХС—18Д» маркали уч қаторли машина бор. Бу машина ғўза тупларини икки марта поғона-ма-поғона шакллантириб, баргларни қирқиши ва кейинчалик уларни озуқа талқони қилиб қайта ишлаши мумкин.

Шундай бўлса-да, мажлисда қайд этиб ўтилганидек, ИФТМ коллективи ҳали бош вазифани — жаҳон техникавий даражасига мувофиқ келадиган принципиал янги пахта териш машинасини яратиш вазифасини ҳал этгани йўқ.

Мажлисда истиқболли техникани ишлаб чиқишни жадаллаштиришга доир конкрет ҳаракат программаси белгиланди, ИФТМнинг шу йилги вазифалари аниқланди.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

(Муфассал ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

Ўзбекистонда Польша китоблари кўргазмаси

21 июль куни Тошкентда очилган кўргазмага мингдан ортиқ экспонат — китоблар ва журналлар, пластинкалар, плакатлар ва маркалар қўйилган. Кўргазмани Польша Халқ Республикасидан «Праса-Ксенжка-рух» ишчи нашриёти кооперативи, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети мамлакатимизда ПХР китоблари ўн кунлиги доирасида ўтказмоқда. Ўн кунлик поляк халқининг миллий байрами — Польша тикланган кунга бағишланган.

Кўргазмада М. С. Горбачевнинг Польша Халқ Республикасига яқинда қилган визити ҳақида ҳикоя қилувчи чиройли фотосуратлардан иборат плакатлар ҳам намойиш этилган.

— Ҳар йили ПХРда нашр этилган китоб маҳсулотларининг миллионлаб нусхалари хорижий мамлакатлар китоблари билан савдо қилишга ихтисослашган магазинлар тармоғи орқали Совет Иттифоқида тарқатилмоқда, — деди кўргазма очилишида «Праса-Ксенжка-рух» ишчи нашриёти кооперативининг раиси Веслав Ридигер. — Бу галги декада китоб бозоридаги аҳволни яхшироқ ўрганишга кўмаклашади, совет шерикларимиз — китоб ноширлари билан конкрет амалий алоқалар ўрнатиш имконини беради.

Польша китоблари кўргазмаси Тошкентда қолади. Уни Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига совға этишга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

ЯГОНА ОИЛА ТУЙҒУСИ

БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ЭЪТИБОРГА ОЛАЙЛИК

СССР Олий Совети Президиуми Тоғли Қорабоғдаги аҳволни муҳокама қилганлиги ҳақидаги материалларни икки хил туйғу билан ўқиб чиқдим. Қабул қилинган қарорни озарбайжон ва арман халқларнинг, мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатларини эътиборга олган адолатли қарор деб ҳисоблайман. Яна шу нарса кишини мамнун қиладики, энг мураккаб, баъзида эса жуда нозик масалаларнинг бири хусусидаги мунозаралар кўп йиллар мобайнида биринчи марта шу қадар кенг кўламда эълон қилинди.

Бироқ Президиум мажлисида Арманистон ва Озарбайжон вакиллари тутган муросасиз позиция кишини жуда ташвишлантиради. Ахир сизлар битта Ленин партиясининг аъзоларисизку, сизлар бутун совет халқи сайлаган вакилсизларку, ўртоқлар, деб хитоб қилгинг келади. Мислсиз қийинчиликларни енгиб ўтган интернационал Совет давлатининг кучи айни халқлар дўстлигида, уларнинг бирлигида эканлиги ўзларингизга маълум. Бу — мактаб дарслигидан олинган шунчаки сўзлар эмас.

Ҳа, эндиликда биз ҳозирги муаммолар қаердан келиб чиққанлигини биламиз. Бироқ ҳамиша орқага қарайвериб олға бориб бўлмайди-ку, ахир. Масалаларнинг ечимини биргаликда излаш керак. Ҳозирча эса айни мана шундай иштиёқ етишмаяпти. Хўш, Тоғли Қорабоғдаги вазиятни кескинлаштириш кимларнинг манфаатига хизмат қилади? Арман халқининг, озарбайжон халқининг, барча совет кишиларининг манфаатларигами? Асло ундай эмас, бу ҳаммага аён. Эҳтиросларни ўт олдириб, қайта қуришга путур етказиш, миллатчилик даъволарини қондириш, сохта ном қозониш муддаосини кўзлаётганлар бундан мустаснодир... Арманистон ва Озарбайжон коммунистлари уларнинг ҳатти-ҳаракатларига муносиб баҳо берадиган, ташаббусни ўз қўлларига олиб ҳалокатли миллатлараро низоларга барҳам берадиган пайт аллақачон келди.

Н. АБДУЛЛАЕВ,
Хўжаобод районидаги «Россия» колхозининг раиси.

(ЎзТАГ).

МАМЛАКАТ ТУРМУШИДАН ТЎРТ КУН

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси вақтида ён дафтарга битилган қайдлар

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишининг охирги кунида Ю. Ф. Сурков ўз таассуротларини «қадрдон қайта қуриш юришиб, авж олиб кетди» деб гагаринчага лўнда ва қизғин ифода этди. Партия анжуманн делегати, Москвадаги заводлардан бирининг ишчиси Ю. Сурков минбарда туриб энг қисқа нутқ сўзлади, бу нутқнинг мазмуни шундан иборат бўлдики, сўзга чиқувчи кишилар вақтни исроф қилмай, бир қолипдаги сийқа ёндашувлардан воз кечишлари керак эди.

Мамлакат ижтимоий турмуши ҳодисаларига янгича ёндашувлар, янгича фикрлаш — бўлиб ўтган партия конференциясининг новаторлик руҳидир. Конференция материаллари ҳозир чуқур таҳлил этилиб, ўрганилмоқда, революцион қайта қуришга ҳаётбахш омил бағишламоқда.

Ўзбекистон Ахборот Агентлиги мухбири ишлаш бахтига муяссар бўлган Кремлининг Съездлар саройида делегатларнинг нутқларини босиб чиқарган янги газета саҳифаларига, конференция матбуот марказидаги учрашувларидан кейин олинган таассуротлар ёзилган ён дафтарда мана шу қайдлар битилган.

Саксон саккизинчи йилнинг ёзидаги каби шундай жазирама июнь ойида Москвага ҳеч қачон келмаган эдим. Бунда гап симоб устуни доимо ўттиз даражадан пастга тушмай турганида эмас, СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида тўла қувват билан ишлаб турган кондиционерлар бақалашувчиларни қизишиб кетган пайтларида совута олмай қоларди. Журналистлар эса газета саҳифаларидагина эмас, шу билан бирга бошқа жойларда ҳам бир пиёла чой ёки қаҳва устида кучли қурол — сўзни моҳирлик билан ишлата оладилар. «Огонёк» журналида босилган «Қарама-қаршилик» мақоласи ҳам ўтни алангалатиб юборди. Матбуот маркази дўконасидаги анчагина журнал бир неча дақиқа ичида сотиб бўлинди. Шунда ҳам ҳаммага етгани йўқ — Бутуниттифоқ партия конференциясини ёритиш учун чет эллариннг ўзидангина уч мингдан кўпроқ журналист келган эди.

СССР Бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи Т. Гдлян ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Н. Ивановнинг мақоласи бомба портлагандек таъсир қилди. Мақоланинг якунловчи қисми айниқса қизғин шарҳланди. Уни эслатиб ўтаман: «...Делегатлар номзодини кўрсатиш ва сайлаш тартибининг мукаммал эмаслиги шунга олиб келдики, обрўли ва жуда муносиб кишилар орасига порахўрлик билан ўз обрўсига доғ туширган кишилар ҳам кириб қолди. Гарчи улар бир неча киши бўлсаларда бу ҳол сўзсиз ташвишли сигналдир. Масалан, порахўр делегат партия билан халққа нима дея олади? Мамлакат тақдирига дахлдор қарорларни қабул қилиш учун ҳалол ва фойдали ҳеч нарсани айта олмайди».

Мақоланинг айрим жиҳатлари хусусида баҳслашиб ўтирмайман. Бу мақола конференция қатнашчилари ўртасида кенг шов-шувга сабаб бўлди, унинг юксак минбарида туриб сўзланган нутқларда ўткир муносабатлар билдирилди. Мандат комиссиясининг раиси Г. П. Разумовскийнинг нутқи ва тергов группаси маълумотларини президиумга топширган «Огонёк» журнали бош редактори В. А. Коротич берган изоҳ ҳамманинг ёдида. Текшириш СССР Бош прокурорига ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетига топширилди, унинг натижалари эълон қилинади.

Очиғини айтганда ўзбекистонлик журналистларга конференциянинг Зубов хиёбонидаги матбуот марказида ҳамкасблар билан учрашувлар вақтида осон бўлмади.

Ўзбекистонда «рашидовчилик» келтириб чиқарган порахўрлик ва сотиб олиш системаси тўғрисида ҳикоя қилувчи сатрларни ўқиш аламли эди. Ўзбекистон делегацияси составида наҳотки порахўр ва рибохўрлар бор бўлса? — деган саволни эшитиш яна ҳам аламли бўлди.

«Огонёк» журналидаги айб республика партия ташкилоти делегациясига бевосита дахлдор эмас деб ишонтиришга тўғри келди. Афсуски суҳбатдошларнинг, шу жумладан ўз совет суҳбатдошларимизнинг юзида ишончсизлик равшан сезилиб турарди — республикашанини ўзбекистонлик журналист ҳимоя қилмай ким ҳимоя қиларди деган маъноии уқиб олиш қийин эмас эди. Гдляннинг ўзи айтган гапларни келтириш ҳам ёрдам бермади. Гдлян Бутуниттифоқ телеэкрани орқали сўзга чиқиб «Ўзбеклар иши» деб аталмиш ишга асло тўн бичиб дўппи кийдиришнинг ҳожати йўқ, деб айтган эди. Қолаверса, «Ўзбеклар иши» деган тушунчанинг ўзини ўзимизнинг газетачиларимиз қочирим учун ўйлаб чиқаришган эдилар. Бундан бошқа гап йўқ...

Матбуот маркази Ўзбекистон вакиллари билан учрашувни сабрсизлик билан кутарди (учрашув конференция ишининг иккинчи кунига тайинланган эди), унга жиддий ҳозирлик кўрилди, ён дафтарларга жуда кўп саволлар ёзиб борилди. Биз, республика журналистлари ҳам учрашувга тайёргарлик кўрдик. Зеро, ўзбекистонлик журналистларга мамлакат коммунистларининг Бутуниттифоқ анжуманида ишлашдек юксак ишонч билдирилган эди. Олдиндан шуни айтиб қўяманки, учрашувга бўлган умидимиз оқланди... Учрашувнинг ўзи тўғрисида эса бироз кейинроқ гап юритилади.

Аввалига конференция очилиши арафасида пойтахт турмушининг айрим жиҳатлари ҳақида айтиб ўтамиз.

...«Қайта қуриш амалга оширилсин!» — Тўппончадан отилган ўқдек бу қисқа шиор «Муносиб кутиб оламиз... нишонлаймиз... амалга оширамиз... қизғин мақуллаймиз...» деган яқиндагина кенг тарқалган узундан узоқ шиорлар ўрнини олди.

Ўша алангали йиллардаги ҳарфлар билан транспарантларга кўп марта ёзиб қўйилган «революция» сўзи конференция арафасидаги кунларда яна ўзининг асл маъносини касб этгандек бўлди.

...«Бошқа йўл йўқ» деб қатъиян таъкидлайди эндигина босмадан чиққан китобнинг номи. Чиқиши биланоқ дарҳол ноёб бўлиб қолган шу китоб ҳақида метрода, автобус бекатларида гапиришмоқда, уни китоб дўконларида талаб қилишмоқда, лекин... Шу сатрларнинг муаллифи унинг ТАССга келган сигнал нусхасини фақат бир неча минутгина кўздан кечириб чиқишга муваффақ бўлди. Алесь Адамович, Даниил Гранин, Андрей Сахаров, Андрей Нуйкин, Фёдор Бурлацкий каби мамлакатда ва жаҳонда машҳур кишилар сталинизмга ҳамда унинг «Н. Андреева» тимсолидаги ҳозирги маддоҳларига зарба берганликларинигина пайқаб олди ҳамда китобнинг масъул муҳаррири тарих фанлари доктори Юрий Афанасьевнинг тўплам сахифаларида ғоят хилма-хил фикрлар билдирилган деб айтган гапингина эслаб қолди.

...Конференция очилишидан икки кун аввал, якшанба куни дўстлик боғида Афғонистонда ҳалок бўлганлар учун ўрнатиладиган ёдгорлик пойдеворига тош қўйилди.

Совет Тинчлик фонди правлениеси раисининг ўринбосари космонавт-учувчи Светлана Савицкая фонд асирликда азоб чекаётган солдатларни қидириб топиш учун маблағ ажратишга тайёр эканлиги тўғрисида гапирди. Фонд интернационалчи жангчилар учун Олмаотада госпиталь, соғлиқни тикловчи икки марказ қурилишида қатнашади, шундай марказларнинг бири Ўзбекистонда очилади.

Олис Афғонистондаги жанг майдонидан қайтмаган кишиларнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун уларнинг жанговар дўстлари, оналари, қаллиқлари, бева қолган ёш хотинлари келишди... Одамлар солдат каскасига пул ташлашмоқда — ана шу камтарона маблағлар ёш жангчиларни душман зиндонларидан халос этишга ёрдам берсин.

... Яна бошқа бир жиҳат. Владимир Висоцкий тўғрисидаги спектакль ижодкори сифатида Юрий Любимовнинг номи Таганкадаги театр афишаларида яна пайдо бўлиб қолди. Конференция иш олиб борган кунларда премьера бўлиб ўтди. Мен нотўғри айтганим йўқ — айни премьера бўлиб ўтди, чунки спектакль саҳнага чиқарилмай, кенг томошабинлар орасида кўрсатилмай, маданият бобидаги амалдорлар томонидан тақиқлаб қўйилган эди. Саҳнада Висоцкийнинг қўшиқлари остида ҳаётимизнинг безатилмаган табиий бўлаклари жонланаётганлигининг боиси шунда эмасмикан? Бу тариҳимизнинг бўлаклари: шахсга сиғинишнинг даҳшатли, мудҳиш даври, шундан кейинги бироз «юмшаш», сўнгра эса узоққа чўзилган ва мамлакатни оз бўлмаса фалокат ёқасига олиб келиб қўйган турғунлик давридир. Ҳатто ҳозир ҳам қуруқ расмиятчиликдан иборат санъатни жон-жаҳди билан ҳимоя қилувчилар болаларнинг новик овозлари тантанали академик хорларга тақлид қилиб, уруш гулдурослари тинганига анча бўлгандан кейин Қаҳрамон юлдузлари билан тақдирланган «севимли сиёсий раҳбар» тўғрисидаги қўшиқни ижро этаётганликларини эшитганида титраб кетади.

Яна бир масхарабозлик — 25 июнь, шанба куни Тверь хиёбонида бўлган намойиш ҳақида сўзлаб бермасак инсофдан бўлмас. 20 нафар, нари борса 25 нафар одам қизил транспарант кўтариб, яккам-дуккам «халқ фронти», «халқ фронти» деб бақиришиб, ТАСС биноси томон келишарди. Ростини айтганда, гарчи ушбу гуруҳ кўтарган шиорларда «қайта қуриш» сўзи кўзга чалинса ҳам, унинг программаси ҳақида эшитмаган эканман, мана энди, тўқнашишга тўғри келиб турибди.

Герцен кўчасидан ўтишаётганида, бу одамлар светофор олдида каловлаб қолишди, «Фронтчилар»нинг бошлиғи тузукроқ йўл-йўриқ бермадими ёки уларнинг ўзи кўча ҳаракати қоидаларини билишмайдими, ҳайтовур, гавжум чорраҳада транспорт қатнови қийинлашуви хавфи пайдо бўлди. Қўлига мегафон ушлаб олган соҳчи милиционер машиналар қатновини бузмаслик учун ва намойишчиларга бирон корҳол етмасин, деган ниятда ташаббусни ўз зиммасига олди. У транспорт ҳаракатини тўхтатиб, сафлари «тўкилиб» турган «норасмий» кишиларга мурожаат қилди-да, шахдам қадам ташлаб «халқ фронти»ни Суворов хиёбонига бошлаб кетди.

Кейинчалик матбуот марказидаги чет эллик ҳамкасблар «кўпдан-кўп намойишлар» ҳақида, шулардан бири — конференция очиладиган куни гўё Тверь хиёбонида, Пушкин ҳайкали ёнида йиғилгани тарқатиб юборилганлиги тўғрисида гапирдилар. Конференция ишлаб турган кунлари Москва кўчаларидан кўп ўтган бўлсак ҳам, бундай «намойишлар»ни кўрганимиз йўқ. Матбуот марказини деярли тарк этмаган ғарблик шарҳчилар «бошқача фикр юритадиган кишилар»нинг сўзларини қизғин муҳокама қилишарди ва бу ерга «Правда» газетасининг бош редактори, академик В. Г. Афанасьев келганида, нега «Правда» ана шу намойишлар ҳақида ёзмаяпти, митинглардан бирида одамлар «Йўқолсин Давлат хавфсизлик комитети» ва ҳоказо деб бақириб-чақиришгани маълумми, деб устма-уст савол ёғдиришди.

Биз бундай шиорларни газетада эълон қилолмаймиз, вазминлик билан жавоб берди Афанасьев. Биз Давлат хавфсизлик комитетини зарур деб ҳисоблаймиз. Бошқа мамлакатларда ҳам ана шундай органлар бор, ҳозир халқаро вазият осойишта бўлмагани учун ҳам Давлат хавфсизлик комитетини тарқатиб юборишни талаб этишга асос йўқ.

Матбуот марказининг баъзан катта залида, баъзан чоғроқ залида ўтказилган матбуот конференцияларида унинг барча қатнашчилари очиқ-ойдин гапиришарди.

Конференция делегати, «Коммунист» журнали редакторининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори О. Лацисга қуйидаги савол берилди: чор Россиясидан кўп партияли система мерос бўлиб қолган эди, революциядан кейин мазкур система бир партияли система билан ўзгартирилганлигининг боиси нимада? Иккинчи, учинчи партияларнинг пайдо бўлиши учун асос борми? Бу саволга берилган жавоб менинг ёнимда ўтирган америкалик журналистнинг ҳафсаласини пир қилди. — Большевиклар,— дейилган эди жавобда, сўл эсерлар билан иттифоқ тузиб, биринчи Совет ҳукуматига кирган эдилар, аммо революциядан кейинги дастлабки йилларда «элчилар фитнаси» содир бўлганлиги, империалистлар Советлар республикасини ҳарбий воситалар билан бўғиб ташлашга уринганлиги сабабли большевиклар бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олишга мажбур бўлдилар. Совет олимининг бу фикрига америкалик журналист қўшила олмас эди, албатта. Океан ортидаги ҳамкасбимиз Лациснинг опозициядаги партияни тузиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги мулоҳазасидан ҳам қониқмади. Мамлакатимиз ҳаётини демократиялаш жараёни ниҳоятда жадаллашиб бормоқдаку, ахир.

Ҳар бир матбуот конференцияси ўткир сиёсий мулоқотга айланиб кетарди. Журналистлар билан бундай мулоқотда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский, КПСС Марказий Комитетининг секретари А.И. Лукьянов, КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудири Ю. А. Скляров қатнашдилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин чет эл матбуоти намояндалари билан алоқида учрашди.

Кўп саволлар берилди. Бутун мамлакатни ҳаяжонга солиб келаётган Тоғли Қорабоғдаги воқеалар тўғрисида, миллий муносабатлар ҳақида, Озиқ-овқат программаси вазифалари қандай ҳал этилаётганлиги хусусида сўрашди. Кутилмаган саволлар ҳам бўлди. Масалан, Троцкийни сиёсий жиҳатдан ёки граждан сифатида оқлаш мумкинми, деб ҳам сўрашди. Аммо шу саволлар замирида журналистлар, айниқса чет эллик қаламкашлар революцион қайта қуришнинг осонлик билан кечмаётган жараёнини таҳлил этишга, совет жамиятида содир бўлаётган ўзгаришларнинг моҳиятини илғаб олишга уринишаётгани сезилиб турар эди.

Совет раҳбариятидаги «ихтилофлар»ни шарҳлаб беришни ҳам талаб қилиб чиқишди. «Известия» газетасининг бош редактори И. Д. Лаптев бундайларни ҳовуридан тушириб қўйди. У қуйидагиларни айтди: «Илгари барча раҳбарлар муайян позициялардан туриб гапиришарди, якдил фикрни баён этишарди. Эндиликда раҳбарларимиз ўзига хос тарзда, дадиллик билан гапиришаётганида, айрим кимсалар буни ихтилоф, деб талқин этмоқдалар. «Известия» редактори раҳбарларнинг аслида барча нутқлари матбуотда эълон қилинаётганлигини таъкидлади.

Аммо, ҳар қалай, Францияда чиқадиган «Монд» газетасининг мухбири, чет эллик журналистларнинг партия анжуманига кириши мумкин бўлмаганлигини назарда тутиб, ёпиқ эшик илгари ҳеч қачон одамни бунчалик афсуслантирмаган эди, деб ёзди.

«Монд» конференция ишига жуда катта қизиқиш ҳақида хабар қилди. Партия анжуманидан оддий одамлар қониқиш ҳосил қилмоқдалар, улар конференция иши тўғрисида ҳисоботлар эълон қилинган газеталарни тезда сотиб олмоқдалар, телевидение орқали бўлаётган мунозараларни кузатиб турибдилар. Шундай бўлишини қарийб 70 йил кутишган эди. «Жиноятлар ва хатолар учун жавоб бериш керак бўлади»,— минбарга чиқиб сўзлаган кишилар шу сўзларни тез-тез такрорлашди, хусусий суҳбатлар чоғида ҳам шу мавзу атрофида гап бўлди, деб ёзди франциялик журналист.

ТАСС ленталарини ўқир эканмиз, конференция ишига космосдаги орбитадан туриб назар ташлагандек бўлдик. — Телетайплар конференция ишини сиёсатчилар, журналистлар, оддий кишилар қандай талқин этгани ҳақида бутун Ер юзидан хабар бериб турди. Буржуазия нуқтаи-назарини рўйрост ёритадиган кўпчилик газеталар совет коммунистлари анжуманига шарҳлар, обзорчиларнинг мақолаларинигина эмас, бутун-бутун саҳифалар, қўш саҳифалар бағишлагани кишини танг қолдирарди. «Кодитьен де пари» газетаси ҳам шундай қилди. СССР тарихида биринчи марта мунозараларни кузатиб бораётган барча гражданлар ана шу тахлитдаги анжуманда турли ғоялар, турли кишилар фикрларининг тўқнашувида иштирок эта олдилар. Бу ошкораликнинг ғалабасидир, деб ёзди газета. Улар шуни таъкидладиларки, ихтилофларга қарамай, барча нотиқлар қайта қуриш тарафдори эканликларини айтдилар. Миллий масалага тўхталиб, газета қуйидагиларни ёзди: Конференцияда демократик ҳуқуқлардан демократияга қарши мақсадларда фойдаланиш учун ҳар қандай уринишларга қатъият билан «йўқ» деб жавоб берилди.

«Дейли экспресс» газетасининг шарҳчиси Пол Поттс қуйидагиларни хабар қилди: Буюк Британиянинг бош министри М. Тэтчер «Совет раҳбарининг сўзларини батафсил ўрганиб чиқиш учун бир неча соат сарфлашга ҳам тайёр». Тэтчер кабинетининг аъзолари айтишаётганидек, бош министр москвалик одамга тобора кўпроқ мафтун бўлиб қолмоқда. Кабинет мажлислари чоғида Россиядаги воқеалар, албатта, тилга олинмоқда. Министрларга Совет Компартиясига кирмай туриб, Горбачевнинг куч-қувватга тўлиб бораётган революциясига ёрдам бериш учун қўлларидан келган барча ишларни қилишлари лозимлиги айтилди»,— деб ёзди нозик қочирим билан англиялик ҳамкасбимиз.

С. ФЕНЮТИН,
Москва — Тошкент.
ЎзТАГ махсус мухбири.

(Давоми бор).



ВЕТЕРАНЛАР — ФАХРИМИЗ

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

— Паравоз гудогининг сеҳрли товуши мени катта ҳаёт йўлига олиб чиқди, — дея ҳикоясини бошлайди ветеран темирйўлчи М. Раҳимов ўқувчилар билан суҳбатда. — Севган касбингга меҳр қўйсанг, эл сени ардоқлайди. Машинист бўлишни болалигимдан орзу қилардим. Ниятимга эришдим. Темир йўл шохобчаларида қирқ йил ишладим. Ҳозир ҳам 1-Тошкент тепловоз депосида меҳнат қилмоқдаман. Мамлакатимизда қайта қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилаётир. Бу ишда биз ветеранлар ҳам муносиб ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Ёшлар билан учрашганда фахрланиб кетаман. Улар — бизнинг келажагимиз. Халқ хўжалиги турли соҳаларидаги меҳнат муваффақиятларимиз уларнинг ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Улар буни доимо эсда тутишлари лозим.

Ўрта Осиё темир йўлида М. Раҳимов сингари меҳнат ветеранлари жуда кўп. Темирйўлчилар республикамиз мактабларининг ўқувчилари билан тез-тез мулоқотда бўлишади. Суҳбатларда меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Мароқ билан ўтадиган суҳбатларда меҳнат ветеранлари Х. Еникеев, В. Лавецков, Ю. Гудошников Ўрта Осиёда темир йўлнинг ташкил этилиши, экономикамизда темир йўлнинг тутган роли ҳақида сўзлаб беришади.

Суратда: меҳнат ветеранлари (чапдан ўнгга) — Х. Еникеев, А. Филатов ва А. Скудов Тошкент шаҳридаги 94-мактаб ўқувчилари даврасида.

Р. НУРИДДИНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИНИ «ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШДАГИ АЪЛО ХИЗМАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хизмат бурчини бажариш, ўта хавфли жиноятчини қўлга олиш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медали билан мукофотлансин.

Аскар Азмиддинович **Зиёвуддинов** — жиноят қидирув бошқармаси бўлинмасининг бошлиғи.

Владимир Филиппович **Клапушевский** — бошқарма бошлиғи.

Ботир Садирович **Саъдуллаев** — жиноят қидирув бошқармаси катта оператив вакили.

Мухторхон Музаффарович **Саидов** — Киров район ижроия комитети ички ишлар бўлими ички наряд милиционери.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 22 июль.

* * *

16 июнь куни эрта тонгда Тошкент айланма йўлида давлат автоинспекциясининг «Чимкент» пости яқинида юз берган бу қонли фожиа ҳақида газеталар хабар қилган. Икки ашаддий газанда бу ерда контрол йўл хизмати ходимларининг қуролларини тортиб олишга уринган эдилар. Ушанда уч милиционер хизмат бурчини адо этаётиб ҳалок бўлди. Отишмада жиноятчилардан бири оғир яралар бўлди, тиштирноғигача қуролланган иккинчиси қочишга улгурди. Жиноятчи Ц-5 кварталнинг 41-уйдаги квартирага қочиб кириб яширинди. Уни ўша ерда қўлга туширдилар.

Операцияга Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи милиция полковниги В. Ф. Клапушевский раҳбарлик қилди. Воқеа юз берган жойга етиб келиб, у аввало гражданларни хавф-хатардан асраш чораларини кўради, ашаддий жиноятчи яширинган уйни қуршаб олишни буюради, кучларни керакли жойларга қўяди. Шундан сўнг газандага беҳуда қаршилик кўрсатмасликни, таслим бўлишни таклиф қилади. Бунга жавобан ўқ узилади. Шундан кейин группага жиноятчини қўлга олиш ҳақида буйруқ берилди.

Сержант М. М. Саидов тўртинчи қаватгэ кўтарилиб, квартирага киришга уринди. Квартирадан ўқ овози эшитилди. Сержант квартира эшигини тўсиб, жиноятчига қаршилик кўрсатишни тўхтатишни яна таклиф қилди. Яна рад жавоби олгач, Саидов ёнига етиб келган ўртоқлари билан биргаликда эшикнинг юқори қисмини бузишди.

Эшикдан чиқиб кета олмаслигини тушунган жиноятчи деразани синдириб, балконга сакради. У ерда эса билинтирмай квартирага кириб олган милиция майори А. А. Зиёвуддинов билан милиция катта лейтенанти Б. С. Саъдуллаев кутиб туришарди. Вазиятни дақиқалар ҳал этарди. Зиёвуддинов ҳамма нарсага тайёр турган газанда эътиборини ўзига жалб қилди. Ҳаётини хавф остида қолдириб, шу тариқа бир неча дақиқани ютди. Тажрибали оператив ходим Саъдуллаев жиноятчини қуролсизлантириб уни қўлга туширишни учун ана шу дақиқанинг ўзи кифоя эди.

Қамоққа олиш чоғида жиноятчининг ёнидан учта тўппонча ва иккита пичоқ чиқди. Милиция ходимларининг чаққон ҳаракати, шахсий жасорати ва юксак тайёргарлиги туфайли операция қурбонсиз ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, жамоат чоравачилигини ривожлантиришда шахсий ҳисса қўшганлиги учун Жиззах область Фориш районидаги Чимқўрғон хўжаликлараро бўрдоқичилик пунктининг директори Нуртой **Бердешовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими» фахрий унвони берди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. ЮСУПОВНИ «ЕНҒИНДАГИ ЖАСОРАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёнғин вақтида болаларни қутқариб қолишда дадил ва қатъий ҳаракат қилганлиги учун Андижон шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқувчиси ўртоқ Акрам **Юсупов** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғиндаги жасорати учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1988 йил 22 июль.

* * *

Бу воқеа шу йил баҳорда — 21 апрель куни Андижонда юз берди. Тракторная кўчасидаги Мамадалиевлар оиласи яшайдиган 45-уйда 4 яшар Шонда ва унинг 2 яшар укаси Эльёр қаровсиз қолдирилган эди. Ёнғин қолган болалар ғужгурт ўйнай бошлайдилар...

5-ўрта мактаб 8-синф ўқувчиси Акрам Юсупов дарсдан сўнг қайтиб келаётиб, уйга яқинлашганида ёнғин аввига чиққан эди. Қўшнилардан уй ичида болалар қолганлигини эшитиб, Акрам сира иккиланмай оловга ташланди. Тутун ва гувиллаб ёнаётган олов орасида ҳушидан кетаёзган қизни топиб ташқари олиб чиқишга муваффақ бўлди.

Жасур ўқувчи куйганига қарамай иккинчи болани олиб чиқиш учун яна ўзини ўтга урди. Лекин вақт ўтган эди.

Австралия ва Ўзбекистон алоқалари

Ёзувчилар союзининг таклифига биноан мамлакатимизга келишди. Улар орасида кўпгина машҳур сўз санъати усталари бор. Эндрю Тэйлорнинг шеърий тўпламлари, адиба ва киносценарийчи Бланш Д' Алпуженинг этнографик романлари, ҳозирги замон Австралия аёллар поэзиясининг биринчи антологиясини ҳам тузган шоира Жудит Родригес китобларини совет ўқувчилари яхши биладилар.

Қайта қуриш муносабати билан Ўзбекистонда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Ҳозирги ошкоралик шароити Ўзбекистон Ёзувчилар союзи фаолиятида қандай акс этмоқда? Шу ва шунга ўхшаш масалалар Австралия ва Ўзбекистон сўз санъати усталарининг ижодий муносарасида муҳокама қилинди. Учрашув Тошкентда, Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйида бўлиб ўтди.

Австралия адиблари СССР — Бутун жаҳонда бўлганидек, Австралияда ҳам совет жамиятини қайта қуриш ва демократиялашга қизиқиш катта, — деди учрашувда делегация раҳбари, Австралия адабиёт департаментининг секретари Эндрю Тэйлор. — Биз «Ҳозирги Совет Иттифоқи» коллектив тўпламини нашр этиш ниятидамиз. Бу китобга Ўрта Осиё республикалари, РСФСР ва Болтиқбўйига сафаримизга оид материалларни киритмоқчимиз.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

Планлаштиришни қайта қуриш талаблари даражасига кўтарайлик

МУҲИМ ОМИЛ

Режасиз иш — қолипсиз ғишт, дейилади халқ мақолида. Планлаштириш масалалари билан шуғулланувчи ходимлар бу мақолнинг қийматини яхши билишади. Зеро, пухта ишлаб чиқилган план кўзланган мақсадга эришишнинг гаровидир.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ва бирин-кетин корхоналарнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзўзини молиявий таъминлашга ўтаётганлиги кўпчилик хўжалик кадрларимизнинг бу ҳақиқатни тўла ҳис қилишларига имкон бермоқда.

Айни маҳалда 1989 йил учун планларни ишлаб чиқиш жараёни давом этар экан, қарашлардаги ўзгариш айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Областдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган 98 корхона ва ташкилотдан 39 таси план лойиҳасини тузиш жараёнида ишлаб чиқариш ҳажмини беш йиллик топшириқларига нисбатан ошириш учун имкониятларни ахтариб топишди. Бухоро пиллакашлик фабрикаси, қорақўл тери ошлаш заводи, дон маҳсулотлари комбинати корхоналари, сут комбинати, Бухоро темир-бетон буюмлари заводи меҳнат коллективлари кенгашлари бу соҳада маъмурият билан самарали ҳамкорлик қилганликларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Мазкур коллективлар ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш, модий-техника ва хом ашё ресурсларини оқилона харжлаш эвазига ишлаб чиқариш планларини беш йиллик топшириқларига нисбатан уч процентдан ўн икки процентгача ошириш учун имконият топишди. Тўла хўжалик ҳисоби шароитида эса бундан ҳам корхона, ҳам давлат манфаатдор.

Кейинги пайтда планларнинг аниқ социал йўналиши тобора кўзга ташланмоқда. Фақатгина 1989 йилда уй-жой ва бошқа социал-маданий объектлар қурилишига беш йиллик топшириғида белгиланганидан 40 процент зиёд ресурсларни сафарбар этиш кўзда тутилмоқда. Худди шундай тарзда бу соҳага меҳнат коллективлари йўналтираётган маблағлар ҳам ўсиб боради.

Бундай шароитда экономика ва социал-маданий соҳани ривожлантиришда Советларнинг планлаштириш роли тобора ошиб бориши табиий ҳолдир. Лекин бугунга келиб планлаштириш ишининг даражаси талабга жавоб бермаётир. Бунинг сабабларн бир томондан шаҳар ва район планлаштириш органлари ходимларининг паст савияси ва кадрлар билан иш олиб боришдаги нуқсонлар бўлса, иккинчи томондан бу ходимларнинг жойларда ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб қилинаётганидир. Маҳаллий планлаштириш органлари ходимларининг асосий иш қуроли ҳамон алмисоқдан қолган «чўт» ва оддий микрокалькулятор эканлигини ҳам унутмаслик керак. Областда планлаштириш ходимлари иш вақтининг ўтказилган хронометражи тўқсон процент вақт улар томонидан турли рақамларнинг ҳисобини олиш, айрим кўрсаткичларни аниқлаб олиш учун корхона ва ташкилотларга қўнғироқ қилишга кетишини кўрсатди.

Планлаштириш иши туб иқтисодий ислоҳот шароитида тобора тиғиз тус олаётган бир пайтда эса бундай «усуллар» билан мақсадга эришиш амри маҳол. Буни кейинги давр ичида содир бўлган воқеалар яққол кўрсатиб турибди. Чунончи, область меҳнат коллективларида ҳали 1988 йил плани мукаммал ишлаб чиқарилмай ғоят кенг миқёсдаги кўрсаткичлар бўйича 1989 йил планлари юзасидан таклифларни кўриб чиқишга тўғри келди. Шунинг оқибатида белгиланган муддатларга амал қилиш учун айрим жойларда яна шошма-шошарлик, расмиятчиликка йўл қўйилди.

Биз истар эдикки, республика органлари келгусида ҳам план лойиҳаларига таклифлар кўриб чиқиш усулини қўлланар эканлар, муддатларни реал тарзда пастки бўғинларнинг имкониятларини ҳисобга олиб белгилашлари керак.

Ҳал қилинмаган яна бир муаммо республика ташкилотлари ва муассасалари ҳамда маҳаллий Советлар ўртасидаги планлаштириш масалаларидаги алоқалардир. Ҳозирги пайтда бу алоқалар ғоятда заифдир. Жумладан, 1989 йил планлари лойиҳалари бўйича таклифлар юзасидан биз меҳнат коллективлари билан бир қаторда саккизта иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда муассасаларига халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозимлиги тўғрисида ёзма хулосаларимизни жўнатдик. Шу жумладан, хулосалар республика Давлат агросаноат комитети, қурилиш материаллари, сув хўжалиги, уй-жой-коммунал хўжалиги, қурилиш министрликлари, республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига юборилди. Лекин бу хулосаларга Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетидан бошқа ҳеч ким бизга жавоб юбормади. Бундай ҳоллар биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Областда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш бўйича ўзаро келишилган программа ишлаб чиқиш пайтида ҳам биз айрим республика органлари томонидан худди мана шундай муносабатни ҳис қилган эдик.

Бундан келиб чиқадики, кўпгина министрликлар ва муассасаларда тармоқ манфаатлари кетидан қувилиб, регионларнинг ишлаб чиқариш кучларини мавжуд ресурсларга асосланиб оқилона ривожлантириш масалаларига панжа орасидан қараш давом этмоқда. Демак, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемаси ғоятда ўз вақтида белгиланган тадбирдир.

С. ҲУСЕНОВ,
халқ депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, ижроком план комиссиясининг раиси.

КПСС XXVII съезди қарорлари—ҳаётга!

ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИ ЎРГАНАЙЛИК

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети давра суҳбати

Бошқарувнинг ҳар томонлама демократиялашувини таъминлаш, унда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, қуйидан бўладиган контролни кучайтириш, хўжалик органларини ишда ҳисоб бериб туриш ва ошкораликни кучайтириш хўжалик юритиш механизмини қайта қуришнинг асосий йўналишларидан биридир. Ана шу вазифаларни амалга оширишда меҳнат коллективлари кенгашларининг ўрни ва роли катта, албатта. Кенгашлар бевосита экономика ва социал-маиший масалаларни ҳал этиш, хўжалик юритишда пировард натижалар учун масъулият ҳиссини оширишга ишчи ва хизматчиларнинг актив иштирокини таъминлашнинг муҳим формаси бўлиб қолди.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунида меҳнат коллективлари кенгашларини тузиш тадбирлари ва уларнинг ҳуқуқлари белгилаб берилган. КПСС Марказий Комитети 1987 йил июль Пленуми қарорларида кенгашларни 1987—1988 йилларда тузиш лозимлиги таъкидланди. Бу ишни олиб бориш ва кенгашларга амалий ёрдам кўрсатиш касаба союзлари зиммасига юкланди. Хўш, республика ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларида меҳнат коллективлари кенгашларини тузиш, хўжалик юритишда коллектив раҳбарликни таъминлаш юзасидан уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш қандай аҳволда? Касаба союз ташкилотлари бу соҳада ўзларига топширилган масъулиятли вазифани қандай бажаришяпти? Партия ташкилотлари кенгаш ишга қандай раҳбарлик қилмоқда?

Яқинда Ўзбекистон касаба союзлари республика Советида ўтказилган давра суҳбатида ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Давра суҳбатида ВЦСПС илмий марказининг директори, иқтисод фанлари доктори, профессор С. Ю. ШКУРКО, тўқимачилик ва енгил саноат ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси Т. Б. МУРСАЛИЕВА, касаба союзларининг республикалараро зонал курси директорининг ўринбосари Л. М. КЕНЗЕР, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советн ишлаб чиқариш ва иш ҳақи бўлимн мудирининг ўринбосари О. Н. ЗАВАЛУНОВ, ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, илмий текшириш институтлари, шифохоналар ва бошқа бир қатор ташкилотлар касаба союз комитетларининг раислари, меҳнат коллективлари кенгашларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Суҳбатни Ўзбекистон касаба союзлари республика Советн ташкилий ишлар бўлимн мудири Э. И. БРУДОВ олиб борди.

Ечимини кутаётган муаммолар

Э. И. Брудов: — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган докладида раҳбарликнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларига ўтиш, коллективлар ва айрим ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишни таъминлайдиган туб иқтисодий ислоҳотни жорий этиш энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди. Корхоналарни хўжалик ҳисобига, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор усуллари — ўзини-ўзи бошқаришга ўтказиш меҳнат коллективларининг ташаббусини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, демократиялаш жараёнини янада ривожлантиради.

Шу кунларда республикамиз меҳнат коллективларида 6102 та кенгаш иш олиб боряпти. Бу ишлаб чиқариш, корхона, муассаса ташкилотларининг 80 процентини ташкил этади, демакдир. Тошкент, Самарқанд ва бошқа бир қатор областларда касаба союзлари меҳнат коллективлари кенгашини тузиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб бориш ва зарур шароитларни яратиш бўйича ибратли ишлар қилмоқдалар. Кенгашлар раҳбарларининг малакасини ошириш юзасидан область марказларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида зонал курслар ташкил этилди. Ҳозиргача 120 киши ана шу курсларда ўқиб чиқди. Умуман, икки мингдан ортиқ киши белгиланган қатъий программа асосида ўз билимларини оширди.

Давра суҳбатлари ўтказиш, консультациялар бериш, савол-жавоблар уюштириш каби ўзаро мулоқот формалари кенгаш аъзоларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Масалан, бундай суҳбатлар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Андижон ва бошқа областларда бўлиб ўтди. Меҳнат коллективлари кенгашларини тузиш юзасидан хўжаликларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашилди.

Жойларда кенгаш аъзоларининг сифат состави Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунида белгиланган тартибда бўлишига эришилмоқда. Кенгаш аъзоларининг 62 проценти ишчилардан, 27 проценти мутахассислардан, 10 проценти эса жамоат органлари вакилларидан сайланди.

Бироқ кенгаш аъзолари составини сайлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, Бухоро гўшт комбинати меҳнат коллективи кенгаши составига корхона директори, касаба союз комитети раиси, партия, комсомол ташкилотларининг секретарлари киритилмади. Бундай нуқсон бошқа баъзи корхона ва ташкилотларда ҳам рўй берди. Касаба союз комитетлари аралашгандан кейингина ана шу камчиликларга барҳам берилди. Меҳнат коллективлари кенгашлари янги бўлгани туфайли унинг фаолиятига доир саволлар, таклифлар, фикр ва мулоҳазалар кўплаб тушяпти. Бу саволларнинг аксарият қисми кенгаш комиссиялари, бюролар тузиш, кенгаш раислари ва аъзоларининг вазифаларига тегишлидир. Шу кунларда кенгаш раисларининг 23,4 проценти корхона ёки ташкилот раҳбарларидир. Яъни, бу — ҳар тўртта меҳнат коллективидаги кенгаш раисидан биттаси биринчи даражали раҳбар демакдир. Ҳолбуки, кенгашлар ҳақидаги тавсияномада ташкилот раҳбарини кенгаш раиси қилиб сайлаш тавсия этилмаган.

Меҳнат коллективлари кенгашлари қарорини ижро этиш маъмурият ва коллективнинг ҳар бир аъзоси учун мажбурийдир. Бироқ шундай ҳам бўляптики, баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари кенгаш қарорларини инкор этмоқдалар ёки меҳнат коллективлари кенгаши маъмурият ва партия ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормаяпти. Улар фақат касаба союзлари билангина бирга ишламоқдалар. Айрим ташкилотларда эса зарур масалани муҳокама қилиш ва ҳал этишда кенгаш раислари четда қолаётирлар.

Касаба союзлари ишини кенгашлар ёки кенгашлар вазифасини касаба союзлар ташкилотлари бажараётган жойлар ҳам йўқ эмас. Айрим ҳолларда эса меҳнат коллективлари кенгашларида муҳокама қилинадиган масалалар касаба союз ташкилотлари йиғилишида кўриб чиқилмоқда. Бундай чалкашликлар эса ўз навбатида меҳнат коллективлари кенгашлари фаолиятининг чеклаб қўйилишига, уларни обрўсизлантиришга, хўжаликни бошқаришга бутун коллектив иштирокини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Меҳнат коллективлари кенгаши вазифасини бошқа жамоат ташкилотлари иши билан аралаштириб юборманслик ёки чеклаб қўймаслик керак. Кенгашларнинг асосий диққат-эътибори меҳнат кишиларининг ташаббускорлигини оширишга, ҳар бир ишчининг самарали меҳнат қилишига эришишга, пировард натижалардан манфаатдор бўлишига қаратиш зарур. Бугунги давра суҳбатимиздан кўзланган мақсад ҳам мана шундан иборат.





Суратда: давра суҳбати иштирокчилари.

В. Молгачев фотоси.

> «Корхоналарни янги шароитда ишлашга кабинетларда туриб тайёрлаш—ўтмишдаги энг катта хато бўлиб, биз уни такрорлашимиз асло мумкин эмас. Меҳнаткашлар, меҳнат коллективларининг кенгашлари ислоҳотни амалга оширишдан четда қолган жойларда, ҳамма нарса хуфиёна, юқоридан туриб ҳал қилинган жойларда—айни мана шундай жойларда энг жиддий нуқсонлар ҳам пайқалди, кўпгина кутилмаган қийинчиликлар юзага келди. Бу эса одамларнинг социал кайфиятига, уларнинг ислоҳотга бўлган муносабатига таъсир қилди».
>
> (КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қилган докладидан).

Демократиялаш асосида

С. И. Шкурко: — Ўзини-ўзи бошқариш демократия асосини ташкил этади. Ишда муваффақиятга эришиш учун энг аввало ўзини-ўзи бошқариш ва унинг моҳиятини чуқур ўрганиб олишимиз керак. Ишлаб чиқариш корхоналарининг дастлабки натижалари бу усул ўзини оқлаётганини кўрсатиб турибди. Касаба союз ташкилотлари ана шу жараённи янада чуқурлаштиришга, ишчиларда унга қизиқиш уйғотишга даъват этилгандирлар. Бироқ айрим корхоналарда биз ҳали ишчиларнинг манфаатини тўла ҳимоя қила олмаяпмиз.

В. И. Малышин, «Ташкентмолоко» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективи кенгаши раисининг ўринбосари: — Бизда меҳнат коллективи кенгаши тузилганига ондигина уч ой бўлди. Аммо мана шу уч ой мобайнида кенгашга ишчилардан кўпдан-кўп шикоятлар тушди. Кишилар маъмурият ва касаба союз ташкилоти бир ёқда қолиб, турли масалаларни ҳал қилиб беришни сўраб кенгашга мурожаат қилмоқдалар.

Залдан овоз: — Кенгаш фақат ариза ва шикоятларни текшириш билан шуғулланаётган экан-да.

В. И. Малышин: — Йўқ, бошқа муаммолар билан ҳам шуғулланяпти. Масалан, кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ишчилар, асосан кадрлар билан маъмурият ўртасидаги келишмовчиликларни атрофлича ўрганиб чиқяпти. Жумладан, маъмурият бир ишчининг пенсияга чиқишига уч ой қолганда майда ўғрилик қилгани учун ишдан бўшатган эди. Ўша ишчи ишга тикланишида ёрдам беришини сўраб кенгашга мурожаат қилди. Бироқ кенгаш ҳам маъмуриятнинг тўғри қилганлигини таъкидлади. Бундан ташқари меҳнат коллективларини кенгаши аъзолари ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларига ҳам актив аралашмоқда.

Т. Б. Мурсалиева: — Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети яқин орада меҳнат коллективлари кенгашлари раисларининг йиғилишини ўтказишни мўлжалламоқда. Унда кенгаш ҳуқуқлари ва вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида атрофлича фикр юритилади. Йиғилишда кенгаш раисларининг доимий ўқишини ташкил этиш ҳам режалаштириб олинади. Умуман, кенгашлар ишлаб чиқаришда ўзини-ўзи бошқариш ишига фаол қатнашишлари учун барча тадбирлар амалга оширилади. Менимча, аввало, ишни қайта меҳнат коллективлари кенгаши раиси биринчи даражали шахс бўлса, уларни қайта сайлашдан бошлаш лозим.

Савол: — Кўпчиликни кенгаш раисининг корхона, ташкилот, муассаса директори билан ҳамкорлиги қизиқтиради. Дарҳақиқат, улар қай тарзда ҳамкорлик қилишлари керак. Кенгашга раҳбарлик қилаётган киши ҳар жиҳатдан ана шу лавозимга муносиб бўлиши, билими, малакаси ва иш тажрибаси жиҳатдан корхона директори билан тенг-тенг бўлиши, вақти келиб қолса унга ўз ўрнини ўтказа олиши лозим, шундай эмасми?

— Тўғри, айрим принципиал масалалар юзасидан кенгаш раиси корхона директорига ўз ўрнини ўтказа олиши керак. Фақат бу коллегиаллик билан ҳал этилса айни муддао бўлади. Бунинг учун жойларда меҳнат коллективлари кенгашларининг роли ва обрўсини ошириш лозим.

В. Г. ГРИГОРЬЕВА, «Узгипросельстрой» институти касаба союз комитети раиси: — Институтимизда кенгаш ўтган йилнинг октябрь ойида ташкил этилган эди. Касаба союз комитети кенгаш ишини асосий мақсад сари йўналтириш учун маъмурият ва партия ташкилоти билан кўп марта маслаҳатлашди, кенгаш иши яхши бораётган бошқа ташкилотларга бориб тажриба ўрганилди. Шу билан бирга кенгашнинг вазифалари ҳақида кишилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шу тариқа ишлар ҳам юришиб кетди. У вазифаси кенг қамровли эканлиги билан, айниқса, одамларнинг диққатини тортди.

Институтимиз шу йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтади. Кенгаш ҳам янги шароитда ишлашга тайёр. Ўз атрофига 71 кишини бирлаштирган кенгаш ўзининг иш планига эга. Институт раҳбарияти ҳам кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашга ва ҳисобланиб ишлашга ҳаракат қиляпти. Бундай иш услуби умумманфаатига фақат фойда келтирмоқда.

Х. С. ГУЛЬМИЯРОВ, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи меҳнат коллективи кенгаши раисининг ўринбосари: — Корхонамизда кенгаш составига 40 киши киритилган. Шулардан 24 киши ишчи, 8 киши маъмурият ходимлари, қолганлар эса жамоат ташкилотлари вакилларидир. 7 кишидан иборат президиум кенгаш раиси бўлиш юқори ташкилотлар олдида уни ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Бу нарса айниқса, истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларига тузатиш киритиш жараёнида яққол намоён бўлди.

Масалан, кейинги 2-3 йил ичида корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планлари икки баравар оширib юборилди. Натижада 1988 йил учун 10,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш план қилиб белгиланди. Меҳнат коллективи кенгаши буни атрофлича муҳокама қилиб, юқоридан белгиланган план корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига мос эмас, деган қарорга келди. Бу ҳақда ўз министрлигимизга ва бош бошқармага мурожаат қилиб, планни 9,5 миллион сўмга келтиришни илтимос қилдик. Бироқ министрлик ҳам, бош бошқарма ҳам қуйидан бўлган таклифни рад этдилар. Бу ерда директор кенгаш раиси сифатида бирор иш қилолмади. Агар меҳнат коллективи кенгаши раиси мутахассислардан ёки ишчилардан бўланида у албатта. коллектив манфаатини ҳимоя қилиб, баҳс ва мунозара юритган бўларди. Директор эса министрлик топшириғини бажаришга мажбур. Унинг хизмат лавозими шуни талаб қилади.

Ёки бошқа бир мисол: Тошкент шаҳар партия ва ижроия комитетлари ҳамда заводимиз маъмурияти қарори билан шаҳарда сабзавот сақланадиган омборхона қуриш планлаштирилган эди. Маълумки ҳозир корхонамиз тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқда. Ана шу сабабли ишлаб топилган ҳар бир сўм ва тийин аниқ ҳисобга олинган. Завод касаба союз комитети ва меҳнат колективи кенгашининг биргаликда бўлиб ўтган мажлисида омборхона қуриш масаласи муҳокама қилиниб, бу иш коллектив манфаатига мос келмайди, деб топилди. Уни корхонанинг Сирдарё область Ховос районидаги «Ўзбекистон 60 йиллиги» ёрдамчи хўжалигида қуриш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келинди. Бироқ шаҳар ижроия комитети кенгаш қарорини ҳисобга олмай, шаҳарда омборхона қуришга заводни мажбур қилмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, ишчилар манфаатини ким ҳимоя қилади?

Бундан ташқари, меҳнат коллективлари кенгашлари янги ташкилот, яъни улар-аммо вужудга келганида ўз юқори органларига мурожаат қиладилар. Масалан, касаба союз комитети шаҳар, область, республика касаба союзлари комитетларига ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат этишлари мумкин. Меҳнат коллективлари кенгашларида эса бундай юқори органлар йўқ. Ана шу нинг фаолияти ҳали бошланғич жараёнда. Ана шу сабабли баъзи пайтларда ишда қийинчилик ва ноаниқликлар вужудга келяпти. Коллективда иш олиб бораётган жамоат ташкилотлари бирон му-сабабли қийинчилик ва муаммолар туғилганида ҳал қила олмай, ўз ёғларига ўзлари қовурилиб ётишибди. Ана шу соҳада ишга аниқлик киритилишини истардим.

Вазифа аниқ бўлгач...

Л. М. Кензер: — Маълумки, корхона, завод ва фабрика хўжайини бевосита меҳнат коллективи ҳисобланади. Бу жойларда улардан бошқа хўжайиннинг бўлиши мумкин ҳам эмас. Кенгаш аъзолари эса корхона ёки хўжалик хўжайинлари — коллектив сайлаб қўйган вакиллардир. Маъмурият, партия ва касаба союз ташкилотлари меҳнат коллективлари кенгашлари билан, кенгаш эса улар билан ҳамкорликда ўзаро маслаҳатлашиб иш олиб боришлари лозим.

Савол: Айтайлик, кенгаш қарор чиқарди, уни ким бажариши керак? Меҳнат коллективлари кенгашларига қандай юридик ҳуқуқлар берилган?

— Кенгаш қарорини бажариш корхона директори учун, маъмурият учун мажбурийдир. Кенгаш ўз қарорини бажармаган директорни ишдан бўшатишни тавсия қила олади. Чунки, бу қарор бутун коллективнинг қарори деб ҳисобланади, уни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Л. Д. ФРАНДЕТТИ, «Водоканал» трести корхоналари меҳнат коллективлари кенгаши раиси: — Ҳамма гап шундаки, меҳнат коллектив кенгаши корхона раҳбарини ишдан олишни ёки бошқа кишига нисбатан жазо чоралари кўришни фақат «тавсия этади» холос. Чунки, унинг ўзида ўз қарорининг бевосита ижросини таъминлаш учун ҳеч қандай юридик ҳуқуқ йўқ. Натижада кенгаш қарорининг ижроси таъминланмаяпти. Бу эса кенгаш обрўсини тушириб юбормоқда, тўғрироғи, одамлар унга ишонмай қўйишяпти. Бундан ташқари кенгашлар фаолиятини, ҳақ-ҳуқуқларини тўла акс эттирган қўлланма ва адабиётлар ҳам етишмайди. Бу масала ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак.

В. П. КУЗОВЕНКОВ, Термиз шаҳридаги 2510-автоколонна касаба союз комитетининг раиси: — Тўғри, бу борада аниқ қўлланма ва адабиётларнинг йўқлиги кенгашлар фаолиятида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, бундай камчиликлар автокорхонамизда меҳнат коллективи кенгаши ишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Узоқ изланишлар, қийинчиликлардан кейингина кенгашлар фаолияти тўғри йўлга солиб олинди. Ҳозир кенгашга Анатолий Калачихин раислик қилмоқда. У ташаббускор, ҳар соҳада ибрат кўрсатиб ишлайдиган ишчи. Унинг бригадаси кўп йиллардан буён социалистик мусобақа голиби бўлиб келяпти. Шунинг учун корхонадаги барча ишчи ва хизматчилар уни ҳурмат қилишади.

Умуман, кенгашларнинг ҳуқуқи катта. Ишга масъулиятсиз қараётган раҳбарни хизмат вазифасидан бўшатишдан тортиб, то ишлаб чиқариш суръати ва транспорт хизмати сифатини яхшилашгача бўлган барча кенгаш тавсиялари маъмурият томонидан ижро учун қабул қилинмоқда.

Залдан овоз: — Меҳнат коллективлари кенгашларининг президиумларини тузиш мумкинми? Турли қўлланмаларда бу ҳақда турлича кўрсатма берилган. Уларнинг қайси бирига ишониш мумкин?

С. И. Шкурко: — Меҳнат коллективлари кенгашларига турли тавсияномалар берилаётгани ачинарли, албатта. Лекин бу ўринда шуни унутмаслик керакки, ҳар бир нарсага биз қонун нуқтаи назаридан ўз муносабатимизни билдиришимиз лозим. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунида меҳнат коллективлари кенгашларининг президиум ва группаларини тузиш тақиқланмаган. Лекин меҳнат коллективлари кенгашида қўшимча раҳбар органлар тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Кенгаш ишини жонлантириш учун муваққат комиссияларни тузиш эса ишга ижодий ёндашишни билдиради.

М. ДАДАБОЕВА, Наманган шаҳридаги 1-болалар касалхонаси касаба союз комитетининг раиси: — Меҳнат коллективлари кенгашлари хўжалик ҳисоби жорий этилган ерларда яхши ишлаяпти. Аммо бундай иш усулига ўтмаган, масалан, касалхона ва бошқа шу каби ташкилотларда кенгашлар тузиладими? Бу ҳақда Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунида ва бошқа ҳужжатларда аниқ маълумотлар берилмаган.

Бундан ташқари мен болалар поликлиникаси ва касалхоналаридаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Негаки, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этиш мавруди аллақачон етилган. Лекин амалда эса «Ҳамма яхши нарсалар— болаларга», «Болалар — бизнинг келажагимиз» каби шиорлардан нарига ўтмаяпмиз. Болалар учун замонавий поликлиника ва касалхоналар қуриш масаласи ҳамон долзарб муаммолигича қолаётир. Ҳозирги пайтда кўплаб болалар поликлиникаси ва касалхоналари мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Бизнинг шифохонамиз ҳам шулар жумласидандир. Бу ер илгари ётоқхона бўлган. Ҳозир қарама-қарши икки хонанинг бирида лаборатория бўлиб, турли касалликка чалинган болалардан анализ қабул қилинади. Иккинчисида эса чақалоқларни эмлаш-даволаш ишлари амалга оширилади. Бундай аҳвол медицина талабига мутлақо жавоб бермайди. Бироқ шароит бўлмаганидан кейин иложимиз қанча.

М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси минбаридан туриб, меҳнат коллективларининг фаолиятида турғунлик давридан мерос қолган ёндашувлар ҳозирча бартараф этилгани йўқ, деб жуда тўғри таъкидлади. Бу — гаплар медицина муассасалари фаолиятига ҳам тааллуқли. Бу соҳага эътибор янада кучайтирилиб, медицина муассасаларида ҳам меҳнат коллективлари кенгаши тузилса, бу каби муаммоларни ҳал этиш анча осонлашган бўларди.

М. АҲМЕДОВ, Сирдарё область автокорхоналар бирлашган касаба союз комитетининг раиси: — Менимча кенгаш дадил киришган ҳар бир жойда иш албатта, ижобий ҳал бўлади. Буни 3-автокорхонамиз мисолида кўриш мўмкин. Бу ерда гарчи планлар бажарилаётган бўлса ҳам, аммо олинаётган даромад пасайиб кетди. Натижада ишчилар икки ой давомида маош олмадилар.

Кенгаш раиси Ренат Салоҳиддинов бу масалани муҳокамага қўяр экан, маъмурият корхонани бошқара оладими ёки йўқми, деган саволни ўртага ташлади. Тўғри, автокорхона директори Абдуҳамид Абдуллаев ва бош инженер Крестьян Зейберт бу ерда ишлаётганига энди бир йил бўлди. План бўлимининг бошлиғи ҳамда бош бухгалтер ҳам янги. Бироқ кенгаш масалани принципиаллик билан муҳокама қилиб, маъмурият ишини қониқарсиз, деб топди ва аҳволни ўнглаб олиш учун олти ой муҳлат берди. Агар шу давр ичида маъмурият ишида ўзгариш бўлмаса, корхона раҳбарлари хизмат вазифасидан бўшатилади, деган қарор қабул қилинди. Менимча, ҳамма жойда ҳам меҳнат коллективлари кенгашлари ўзига топширилган вазифага принципиал муносабатда бўлишлари лозим. Шундагина қабул қилинган қарорнинг ижроси таъминланади. Кенгашнинг обрўси ортади, улар олиб бораётган ишнинг самараси яққол кўзга ташланади.

С. И. Шкурко: — Биз аввало, ўз вазифамизга қонун доирасидан чиқмай муносабатда бўлишимиз ва иш юритишимиз керак. Шу нуқтаи назардангина ишга ижодий ёндашиш мумкин. Масалан, меҳнат коллективлари кенгашлари нотўғри қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Негаки, иш бор жойда камчилик ва янглишиш ҳам бўлиб туради. Шунинг учун кенгаш қарори нотўғри, қонунчиликка тўғри келмаса, уни ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари тузатишлари керак.

Кенгашлар ишни қийинчилик билан бошлаяптилар. Бу — табиий. Ҳар қандай янгилик ўзига қийинчилик билан йўл очади.

Меҳнат коллективлари кенгашлари фаолиятига оид қўлланма ва адабиётларга келсак, мен Москвага боргандан кейин Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети раҳбарлари билан ўзини-ўзи бошқариш ва касаба союзлари муаммоларига тааллуқли адабиётлар юбориш тўғрисида келишиб олдик. Ишончим комилки, у адабиётларни бу ерда кўпайтириб, тарқатиш имкони бўлади.

Энди меҳнат коллективлари кенгашининг юридик ҳуқуқлари тўғрисида бир оғиз гап: кенгашлар қарори меҳнат коллективлари учун қонун ҳисобланади. Кенгашлар ёки умумий йиғилиш ва конференция қарорини бажариш ҳар бир коллектив раҳбари учун шарт.

Меҳнат кенгашлари хўжалик юритишнинг илғор усул ва услубларига чуқурроқ кириб боришлари керак. Токи, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, ўзини-ўзи бошқаришдан натижалар самарали бўлсин. Ишлаб топилган даромад тўғри тақсимлансин. Мана шу каби муаммолар билан меҳнат коллективлари кенгаши шуғулланади. Касаба союз ташкилотлари эса шу пайтгача ҳал бўлмаган муаммоларни кенгашлар орқали ҳал қилишга эришишлари лозим. Буни касаба союз билан кенгашнинг ўзаро ҳамкорлиги дейиш мумкин.

Давра суҳбатини «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари Р. ТУРСУНОВ билан А. МАДАТОВ ёзиб олдилар.

СИБИРЬ ДИЁРИ ЧОРЛАЙДИ

Тюмень областида Ўзбекистон маданияти кунлари олдидан

11 августдан 17 августгача Тюмень областида Ўзбекистон ССР маданияти кунлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ЎзТАГ мухбирининг илтимосига биноан республика маданият министри У. Р. УМАРБЕКОВ бўлажак воқеани шарҳлаб берди:

— Интернационал қардошлигимизнинг белгилари кўп. Фаолиятимизнинг турли соҳаларида, иқтисодий ва ижтимоий турмушимизда қардош республикалар ўртасидаги алоқалар йил сайин янада қалинлашиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Маънавий қадриятларни муттасил ошира бориш, қардош халқлар маданий ютуқларининг ўзаро кўриги яхши анъанага айланиб қолди.

Тюмень области ўзбекистонликлар учун анчадан буён мамлакатимиздаги муҳим регионлардан бири бўлиб қолмай, балки ўзининг нефть ва газ конлари билан бутун жаҳонга машҳур бўлган бу Шимолий Сибирь ўлкаси ҳозир республикамизнинг уч мингдан ортиқ вакиллари меҳнат қилаётган жойга айланган. Улар ёқилғи-энергетика комплексини жадал ривожлантиришнинг КПСС XXVII съезди ўртага қўйган, партиямиз иқтисодий стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларини ҳал этишга ёрдам беришмоқда.

Бу ўлкани ўз оталиғига олган «Узтюмендорстрой» трестининг коллективи бу ерда икки беш йилликдан буён ишламоқда. Мазкур коллектив Тайгада ва авваллари қадам босиб бўлмайдиган ботқоқликларда юзлаб километр ажойиб автомобиль йўллари қурдилар. Тошкентлик шаҳарсозлар Тюмень шимолининг тез ривожланаётган саноат ва транспорт маркази — навқирон Нягань шаҳрида шу беш йилликда ўзларининг доимий бўлинмаларини туздилар: улар бу ерда уй-жойлар қуришмоқда, саноат корхоналари, маиший хизмат иншоотлари барпо этишмоқда.

Айтганча, бўлажак маданият кунларининг маршрутларидан бири худди ана шу Нягань шаҳридан ўтади. Маршрутлар жами иккита: биринчи группа шу куниёқ область шимолига жўнаб кетади, иккинчиси эса Тюменда қолади. Дўстлик байрамига Ўзбекистондан 200 дан ортиқ киши боради. Биз ҳар икки группа таркиби жиҳатидан республикамиз ҳозирги маънавий турмуш даражаси ва мазмунини тўлароқ акс эттириши, ютуқларимизни ёркинроқ намойиш этиши, алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, бир-бирларимизни маънавий жиҳатдан бойитиш; социалистик маданиятимиз умумхазинасини тўлдиришдан иборат мақсадларимизга муваффақият билан эришишга кўмаклашиши учун ҳаракат қилдик.

Тюменда «Садо» вокал-чолғу ансамбли, «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ғ. Ёқубов, Д. Жабборова ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Солиҳова, балет жуфти — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар З. Давлатмуротова билан И. Кистанов, шунингдек, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедова, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти М. Хўжаниёзов, А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри солистлари М. Ўринбоева ва Т. Абдуқодиров, Самарқанд опера ва балет театри солисти А. Эргашевлар ўз санъатларини намойиш этишади.

«Наво» вокал-чолғу ансамбли, «Зарафшон» этнографик ансамбли, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ш. Жўраев ва республикада хизмат кўрсатган артист Р. Султонова иштирокидаги ижрочилар группаси, балет усталари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ф. Саъдуллаева ва Ҳ. Бозоров, Давлат академик Катта театрининг солистлари — Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати А. Анисимов ва И. Жалилов, Самарқанд опера ва балет театрининг солисти Г. Раззоқовалар «Нягань» ижодий маршрути бўйлаб сафар қилишади.

Делегациялар составига меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва ижодий союзларнинг вакиллари, журналистлар ҳам кирган. Концертлардан ташқари саноат корхоналарида, қурилишларда учрашувлар ўтказилади. Етакчи шоир ва адибларимиз Тюмень диёри меҳнаткашлари ҳузурида ўз санъатларини намойиш этадилар. Ўзбекистон нашриётларида чиқарилган китобларнинг кўргазма-савдоси ўтказилади.

Шимол ўлкасидаги қардошларимизни сахий ўзбек тупроғида етиштирилган ширин-шакар мевалар билан ҳам хушнуд этмоқчимиз. Маданият кунларида шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида мева ва сабзавот ярмаркаларини ташкил этиш мўлжалланган. Энг яхши ўзбек пазандалари эса тюменлик дўстларимизни, уларнинг илтимосларига кўра, ўзбек таомлари билан меҳмон қиладилар, ўзларининг ошпазлик санъати сирлари билан ўртоқлашадилар....

Маданият кунлари программаси кенг ва ранг-баранг. Биз бу кунлар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан сўнг ўтказилаётганлиги алоҳида масъулият юклаётганлигини, бўлажак учрашувга аниқ йўналиш берилиши талаб этилаётганлигини тўла ҳис этиб турибмиз. Биз маданият кунларига дабдабали маросим сифатида қараётганимиз йўқ. Бу кунларга, энг аввало, маънавий қадриятларимизнинг амалий кўриги, биргаликда меҳнат қилаётган қардошларимиз олдидаги катта ижодий ҳисобот, деб қараяпмиз.

Тюмень диёридаги дўстлик байрами буюк қардошлик қонуни билан яшаётган, революцион қайта қуриш йўлида умумий куч-ғайратлар сарфлаб, бунёдкорлик ишлари олиб бораётган мамлакатимиз халқлари интернационал бирлигининг янги, ёрқин намойишига айланади, деб ишонамиз.



• Бугун—Савдо ходимлари куни

ҲИССА

Совет савдоси — давлат ва кооператив савдосини ўз ичига олган мураккаб халқ хўжалиги механизмидан иборат. Ҳозирги беш йилликда бу соҳа тараққиётида муҳим давр бошланди: савдони ташкил этиш ва бошқариш даражаси янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳозирги замон талабларига мувофиқ хўжаликни бошқариш методларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Харидор эҳтиёжи, таклифларини маҳсулот тури ва сифати билан уйғунлаштиришга биринчи навбатда аҳамият берилмоқда. КПСС Марказий Комитети янги хўжалик механизми асосида савдо ташкилотлари ишини қайта қуриш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга унинг таъсирини кучайтириш вазифасини қўймоқда. Чакана товар оборот планларини бажаришга мавжуд резервларни тўлароқ жалб этиш, умумий овқатланишни ташкил этишни яхшилашга эътибор қаратилмоқда.

Янги шароитларда матлубот кооперациясининг роли ошмоқда. Кооператорлар озиқ-овқат масаласини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш, уни қайта тайёрлаш ишларини бажармоқдалар. Кейинги йилларда ишлаб чиқариш, савдо, сотиб олиш тайёрлов, ҳунармандчилик кооперативлари, шунингдек умумий овқатланиш бўйича овқатланиш кооперативларини ташкил этиш бўйича конкрет чора-тадбирлар кўрилди.

Шунга қарамасдан меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари етарли даражада қондирилмаётир. Баъзан савдо ишида узилишлар рўй бермоқда. Ўйлаймизки, республикамиз савдо ходимлари харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб, уларга хизмат маданиятини оширадилар. Шу тариқа мамлакатимизда социал-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

* * *

Шу йил май ойида Ҳамза районининг авиасозлар маданият саройи ёнида «Болалар дунёси» фирмасининг «Парвоз» номли 10-магазини ўз харидорларига қучоқ очди. Бу ерда харидорларга хизмат кўрсатаётган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ойлик товар оборот планларини ошириб бажармоқдалар. Улар ҳар ойда меҳнаткашларга 170-180 минг сўмлик турли хил товарлар етказиб беришяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Сотувчи Муҳаббат Абдуюсупова харидорга мактаб формасини таклиф қилмоқда. 2. Магазинда ташкил этилган жонли бурчакда.

В. МОЛГАЧЕВ фотолари.



ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

КОНКУРС ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

«Ҳурматли жюри аъзолари, лойиҳаларга «етти ўлчаб, бир кесиб» баҳо беринг, агар шошқалоқлик қилсангиз, одамлар кечиришмайди! Конкурс давом эттирилиши керак, деб ҳисоблайман».

Афғонистонда ҳалок бўлган интернационалист жангчилар хотирасига ўрнатилажак ёдгорлик лойиҳалари намойиш этилаётган кўргазмадаги фикр-мулоҳазалар дафтарида ана шундай ёзув бор. Тошкент шаҳар комсомол комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари ўтказган ушбу конкурснинг якуни қизиқ бўлди. Жюри ҳамда лойиҳаларни муҳокама қилишда иштирок этган тошкентликларнинг фикри бир ердан чиқди: Конкурс давом эттирилиши керак.

— Бу қарорга келишдан илгари обдон ўйлаб кўрдик, — деди жюри аъзоси, Тошкентнинг бош рассоми Р. Юсупов. — Конкурс шартларига кўра, лауреатлар деб тан олинган энг яхши лойиҳа авторларига учта мукофот ва учта рағбатлантирувчи мукофот берилиши керак. Лекин биз ҳозирча рағбатлантирувчи мукофотларни беришга қарор қилдик. Бор-йўғи 17 та лойиҳа тақдим этилди, бу мазмуни ва аҳамиятига кўра жуда жиддий бўлган ана шу конкурс учун ниҳоятда кам. Энг асосий гап шундаки, конкурсга тушган ишлар орасида: ҳа, бу ёдгорлик афғон халқининг озодлиги учун жонини фидо этган совет аскарлари учун муносиб ёдгорлик бўлади, деб айтиш мумкин бўлган лойиҳа йўқ. Бу ажойиб монумент бўлиши керак. Биз бўлажак обида пойида бошимизни эгиб, аламандуҳ билан марҳумларни эслар эканмиз, айни вақтда бугунги авлодга ишонч туйғуси ҳам кўнглимизга далда бериши керак. Чунки 20 ёшли ана шу йигитларимиз энг яхши инсоний ва гражданлик фазилатларини намоён этдилар.

— Кўргазмадаги лойиҳаларнинг бир қисми ҳаддан зиёд рамзий маъно касб этган бўлса, бошқалари аксинча, ниҳоятда конкретдир, — деб сўзини давом эттирди, — рассом. — Обида реал воқеаларни акс эттириш билан бир қаторда фалсафий мушоҳадага ҳам чорлаши керак, деб ўйлаймиз. Афсуски, кўргазмада шундай лойиҳалар ҳам борки, уларни бошқа ҳар қандай воқеа ёки санага ҳам бағишлаш мумкин бўлур эди... Шу боисдан биз жамоатчилик фикрига қўшиламиз. Иложи борича кўпроқ профессионал ҳайкалтарошлар ва архитекторларни ҳамда ҳаваскорларни конкурсда иштирок этишга жалб этиш керак. Шошмаганимиз маъқул. Навбатдаги конкурсга тайёргарлик учун уч ой вақт ажратилди. Лойиҳа авторларига ёдгорлик муайян жойга ўрнатилади, деб айтмасликка қарор қилинди. Қаерда ўрнатишни уларнинг ўзлари таклиф этишгани маъқул.

Интернационалист жангчилар ҳам жюри фикрига қўшилдилар, Тошкентдаги бўлажак ёдгорлик эса уларнинг ҳалок бўлган дўстлари ва полкдошлари хотираси учун бунёд этилади.

— Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Ёшлар уйи кўргазма залида бўлган очиқ муҳокамада ҳар ким қатнашиши мумкин эди, — деб ҳикоя қилади запасдаги жангчилар шаҳар кенгашининг аъзоси Александр Реут. — Бу ерга Афғонистонда хизмат қилган йигитлар, уларнинг қариндош-уруғларигина эмас, шу билан бирга Афғонистондаги воқеаларга бевосита алоқаси бўлмаган кишилар — ўқитувчи, врач, инженер ва студентлар ҳам келишди. Қизғин муҳокама бўлди, турли фикрлар айтилди, баҳс авжига чиқди. Биринчи мукофотни беришга ҳали эрта, деган фикр маъқулланди. Кўпчилик лойиҳаларда яхши ғоя бўлса ҳам лекин у рўёбга чиқмай қолган. Авторлар айтилган истак-мулоҳазалар хусусида ўйлаб кўришлари учун вақт керак.

— Афғон заминида кўп воқеаларни бошимиздан кечирдик, лекин ҳар бир интернационалист жангчининг хотирасига муҳрланиб қолган ниҳоятда ёрқин таассурот ҳам бўлади, — деди у. — Ротамиз бошига тушган биринчи мусибат — қуролдош дўстимизнинг ҳалок бўлиши умрбод ёдимда қолади. У қўлимизда жон берди. Унинг қуриб, ёрилиб кетган лаблари ҳамон кўз ўнгимда — сув йўқ эди, жони узилаётган одамнинг оғзига томизиш учун ҳам сув йўқ эди. Бўлажак обида, менинг назаримда, ана шундай хотираларни қўзғаши лозим, у одамнинг қалби ва шуурига таъсир этиши керак. Майли, кўз ўнгимизга яна Афғонистон келсин, садоқатли жангчи дўстларимизни эслайлик, ахир, биз улар билан биргаликда оғир жангларда қатнашдик, мусибатли дамларда эса шаҳидларнинг жасадини тобутга солиб, самолётда Ватанимизга жўнатдик... Шундай дўстликни унутиб бўлармиди?! Конкурсга тақдим этилган лойиҳаларда худди ана шу акс этмаган. Шунинг учун ҳам биз, запасдаги жангчилар, конкурсни давом эттириш тарафдоримиз.

А. ИВАНОВА, ЎзТАГ мухбири.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

• Спорт

КУРАШ:

МЕҲМОНЛАР ЮТУҒИ

Львов областининг Стрий шаҳрида дзюдо кураши бўйича қаҳрамон пионер Гриша Медвед хотирасига бағишланган мусобақа ўтказилди. Беллашувларда мамлакатимиз 16 шаҳридан келган 230 га яқин ёш спортчи ўзаро беллашди. Тошкентлик дзюдочилар команда ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Полвонларимиздан Ю. Бозоровнинг беллашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ғолибларни меҳнат ва уруш ветерани В. Дячук билан самбо бўйича жаҳон чемпиони М. Юнак табриклашди. Мусобақа ёшлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

БОКС:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Советобод шаҳрида довюрак милиция ходими Ҳосилжон Йўлдошев хотирасига бағишланган очиқ турнир ўтказилди. Мусобақада Олмаота, Кемерово, Барнаул, Бийск, Тошкент, Термиз, Самарқанд, Қўрғонтепа ва Андижон область боксчиларидан иборат 200 дан ортиқ спортчи қатнашди. Вазнларига кўра андижонлик Ш. Дадабоев, Кемеродан С. Райков, В. Буйлов, С. Граф, советободлик Х. Собиров, термизлик А. Раҳмонқулов билан С. Ермаков олмаоталик А. Шалтабоев, Барнаулдан О. Смахтин, Бийскдан И. Фондаренко ҳамда самарқандлик Д. З. Ғаниевлар ғолиблик супасига кўтарилишди.

ФУТБОЛ:

ТЎРТИНЧИ УЧРАШУВ

Афғонистон футболчилари Ўзбекистон бўйлаб сафарларини якунлашди. Асосан, армиячи спортчилардан таркиб топган Афғонистон командаси республикамизда 4 та учрашув ўтказди. Меҳмонлар «Сурхон», «Зарафшон» ва «Металлург» коллективларига имкониятни бой беришди. Охирги учрашув Шўрчининг «Мельник» футболчилари билан ўтказилди. Бу ўйинда майдон эгалари дарвозага битта тўп киритишди. Учрашувларда афғон футболчилари тажриба орттириш, маҳорат касб этишга кўпроқ аҳамият бердилар.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

25 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Афония». Бадиий фильм. 10.30 — Футбол шарҳи. 11.00 — Янгиликлар. 11.10 — Инсон институти. 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — Челябинск телевидение студиясининг программаси. 17.35 — КХДР ёшлар ансамблининг концерти. 18.05 — Шеърият лаҳзалари. 18.10 — Беш қаватли уйларни қайта қуриш ҳақида. 18.45 — Футбол шарҳи. 19.15 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.30 — «Қароллар». Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Қароллар». Фильм-спектаклнинг давоми. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 «Вотир Зокиров». Ҳужжатли фильм. 10.00 — Итальян тили 10.30 — Мультфильм. 11.10 — «Кўҳна қаср шарпалари». Бадиий фильм, 1-серия. 11.50 — Объективда жониворлар. 12.10 — «Гусарнинг уйланиши». Бадиий фильм. 13.20 — Ҳужжатли фильмлар. 13.55 — Янгиликлар. 14.05 — «Ҳайвонот боғининг тушига туш кирибди». Бадиий фильм. 15.10 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.30 — Янгиликлар. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Музикали киоск. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — Ф. И. Тютчев поэзияси. 20.20 — Реклама. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Теннис. Дэвис кубоги. СССР—Голландия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Жонли планета». Ҳужжатли фильм. 23.15 — Футбол. «Зенит» — «Спартак». 00.55 — Тонгги почта. 01.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.30 — Телефильм. 15.40 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 16.40 — Болалар учун фильм. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — «Имон». Видеоспектакль, 1-қисм. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Кўнгилдаги гаплар». КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида иштирок этган Ўзбекистон вакиллари ҳақида видеофильм премьераси. 23.15 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ-II. 19.05 — Телефильмлар. 20.25 — «Қасос». Бадиий фильм, 1-серия. **Душанба.** 21.30 — «Время» 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 —«ФҲ— — «Фавқулодда ходиса». Бадиий фильм, 1-серия.

26 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Қароллар». Фильм-спектакль. Танаффусда ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Қайта қуриш прожектори. 16.25 — «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлар». Бадиий фильм, 1-серия. 17.25 — Сиз яратган боғ. 17.55 — Новаторлар ва консерваторлар. 19.40 — Мультфильм. 19.00 — Поляк қўшиқлари Бутуниттифоқ фестивали. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Музикали фильм. 22.45 — Резонанс. 24.00 — Пермь филармониясининг эркаклар вокал квартети куйлайди. 00.35 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Халқ ижодиёти. 9.50 — Француз тили. 10.20 — Илмий-оммабоп фильм. 10.40 — Мультфильм. 10.50 — «Кўҳна қаср шарпалари». Бадиий фильм, 2-серия. 11.30 — Француз тили. 12.00 — «Йўл». Бадиий фильм. 13.25 — Янгиликлар. 13.35 — Фильм-концерт. 14.05 — «Қишлоқ хўжалиги». 14.25 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 1-серия. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Ритмик гимнастика. 19.30 — Халқаро панорама. 20.15 «Свитанок» халқ рақс ансамбли ижро этади. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Бандитлар тўдаси». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар. 23.40 — Баскетбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — «Атланта Хоукс» (АҚШ).

УзТВ-I. 15.30 — Болалар учун фильм. 16.40 — «Армия сафига чақирилувчилар». Бадиий фильм. 17.35 — «Абитуриент-88». 18.10 — Ёшлик. 19.10 — «Имон». Видеоспектакль, 2-қисм. 20.00—Ахборот. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Инсон ва қонун. 23.20 — Телефильм. 23.40 — «Бугун оламда нима гап?»

УзТВ-II. 19.05 — Телефильм. 19.50 — «Қасос». Бадиий фильм, 2-серия. 20.50 — Сувни авайланг. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «ФҲ — фавқулодда ходиса». Бадиий фильм, 2-серия.

27 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Судга чақириқ қоғози». Бадиий фильм. 1-серия. 10.15 — Фильм-концерт. 10.45 ва 16.00—Янгиликлар. 16.10— Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Халқ куйлари. 16.35— Ҳужжатли фильмлар. 17.15 — «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлар». Бадиий фильм, 2-серия. 18.15 — Салом, музика. 18.45 — Иқтисодий билимлар асослари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фидойи шахслар. 20.20 — «Судга чақириқ қоғози». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Бутуниттифоқ журналхонлар конференцияси. 23.25— Дунё воқеалари. 23.35 —Рақслар, рақслар, рақслар...

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 9.55—Немис тили. 10.25 — Мультфильм. 10.45 — Объективда жониворлар. 11.05—«Кўҳна қаср шарпалари». Бадиий фильм. 3-серия. 11.40 — Немис тили. 12.10— «Бандитлар тўдаси». Бадиий фильм. 13.30— Сен ҳақингда ва мен ҳақимда. 14.15 — Янгиликлар. 14.25— «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 2-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильмлар. 19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Волейбол. Халқаро турнир. Финал. 20.25 —1988 йил қўшиқлари. 20.35— Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.50 — Фильм-концерт. 21.20 —Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Баскетбол. Ўртоқлик учрашуви. 23.45 — Янгиликлар. 23.50 — Ҳужжатли фильмлар.

УзТВ-I. 14.45 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 15.25 — Телефильмлар. 16.30 — «Василий Буслаев» Бадиий фильм. 17.55 — Пионерлар мамлакатида. 18.40 — «Марҳабо» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.25 — Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Сўз — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатларига. 20.30 — Созандалар ҳақида ҳикоялар. 21.30 — Время. 22.00— Қайта қуриш прожектори. 22.10 — «Ғалати одам» Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 — «Эркаклар ёзи». Бадиий фильм. 20.35—«Телефон билан содир бўлган уч воқеа». Бадиий фильм. 21.00 — Телефильм. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — «Бедарак йўқолган швед». Бадиий фильм.

28 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут» 9.05 — «Судга чақириқ қоғози» Бадиий фильм. 10.20 — Телефильм. 10.50 ва 16.00 — Янгиликлар 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 16.50 — «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлар». Бадиий фильм. 2-серия. 17.50 — Музикали хазина. 18.30 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35—Мультфильм. 20.05 — Э. Москвитина чалади (арфа). 20.15 — «Судга чақириқ қоғози». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шахс ва ахлоқ. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.40 — Эстрада қўшиқлари. 00.40 — Бизнинг мерос.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 10.05 — Испан тили. 10.35 — Мультфильм. 11.10 — Илмий оммабоп фильм. 11.30 — «Кўҳна қаср шарпалари». Бадиий фильм, 4-серия. 12.35 — «Океандаги етти ҳайқириқ». Бадиий фильм. 14.00 — Ҳужжатли фильм. 14.25 — Янгиликлар. 14.35 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм, 3-серия. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — СССР халқ артисти Е. Нестеренко. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Реклама. 21.00 — Ритмик гимнастика. 21.30 — Время 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Зина-Зинуля». Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Телефильм. 15.55 — «Ўлим йўқ, йигитлар!» Бадиий фильм. 17.20 — Грузия ўқувчиларининг концерти. 18.00 — Телефильм. 18.30 — Объективда — қайта қуриш. 19.00 — Қрим татар куйлари тарихидан. 19.30 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Ш. Йўлдошев чалади. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ижод саҳифалари. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Алишер Навоий». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.10 — Талантлар ва мухлислар. 19.30 — «Энг сўнгги кун». Бадиий фильм. 21.00 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Журавлинода ёз». Бадиий фильм.

29 ИЮЛЬ, ЖУМА

МТ-I. 7.00—120 минут. 9.05 Ҳужжатли фильм. 9.35—Фидойи шахслар. 10.20—Биз излаб кетяпмиз. 10.50 ва 15.55—Янгиликлар. 16.05—Қайта қуриш прожектори. 16.15—Нега ва нима учун? 16.45 — Артелнинг юмушлари. 17.15 — «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлар». Бадиий фильм, 4-серия. 18.15— Волгоград телевидение студияси программаси. 19.10—Дунё воқеалари, 19.30—XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.55—Фильм-концерт. 20.25—Актуал объектив. 21.30—Время. 22.05—Қайта қуриш прожектори. 22.15—Аншланг! 23.30—Интерсигнал. 00.05 —Ҳужжатли фильм. 00.30 — Нигоҳ.

МТ-II. 9.00—Гимнастика. 9.20 —Фильм-концерт. 9.50—Инглиз тили. 10.20—Мультфильм. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.15 —Болалар учун фильм. 11.50— Инглиз тили. 12.20—«Зина-Зинуля». Бадиий фильм. 13.45— Ҳужжатли фильмлар. 14.20— Янгиликлар. 14.30 — «Оловли йўллар» Бадиий фильм. 4-серия. 18.20 — Янгиликлар. 18.30 — Концерт. 19.30—Ҳайвонот оламида. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45—Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.15—Халқ куйлари. 21.30—Время. 22.05—Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Юзма-юз тўқнашув». Бадиий фильм. 23.40—Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.10 — Фильм-концерт. 15.35—«Палата». Бадиий фильм. 17.00 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — «Абитуриент-88». 18.00—Санъат ғунчалари. 18.30—Ўсмир ва қонун. 19.00 Сифатли суғориш — мўл ҳосил гарови. 19.30—Ўзбекистоннинг қадимий маданий ёдгорликлари. 20.00—Ахборот. 20.15 Комсомол прожектори. 20.30— Ахборот. 20.50—Қизлар гулдастаси. 21.30—Время. 22.05— Қайта қуриш прожектори. 22.15—Эртага премьера. 23.25 Бугун оламда нима гап?

УзТВ-II. 19.10 — Телефильмлар. 20.00 — Инсон ва замин. 21.00—Кескин танқид остида. **Душанба:** 21.30—Время. 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15— Гаджина. 23.05— «Арзон нархда». Бадиий фильм.

30 ИЮЛЬ, ШАНБА

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00—Шаҳар куйи. 9.30—Нега ва нима учун? 10.00—Ҳужжатли фильм. 10.20 — Уй академияси. 10.50 — Қўшиқ инсон билан қолади. 11.50 — Ғолиблар. 13.05 — Социализм мамлакатлари. 13.35 — Мультфильм. 14.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 14.30 —Дунё воқеалари. 14.50 — Чашмалар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Москва ҳақида қўшиқлар. 16.30 — Ҳайвонот оламида. 17.30 — «Кўнгиллилар». Бадиий фильм. 19.00 — Халқаро панорама. 20.00 — Кинопанорама. 21.30 Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шанба оқшомида. 23.45 — Концерт.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Истиқбол. 9.35—Телевизион театр абономенти. 10.20 —Здоровье. 11.05 — Реклама. 11.20 — Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 11.35 — Экологик программа. 12.40 — Тарих саҳифалари. 13.10 — Илмий-оммабоп фильмлар. 13.35 — Реклама. 13.45 — Болтиқчи—сув ости денгизчиларининг учрашуви. 14.25—Реклама. 14.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.30 — Қирғиз опера театри. 15.55 «Вера, Надежда, Любовь». Бадиий фильм. 17.25—Мавжуд шароитларга кўра. 18.25—Солдатлар куйлаганда. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Спорт гимнастикаси. Чемпионат ва кубок. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «31 июнда». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

УзТВ-I. 8.00 — «Ассалому алайкум». 9.30 — Шанба экрани. 10.00 — Ёшлик. 11.00— Ҳужжатли экран. 1145 — Хўжалик ҳисоби ва улгуржи савдони амалга ошириш. 12.15— «Коинот фуқаролари». Кинокомедия. 13.20 — Сизлар учун учрашув. 14.50 — Социал кафолотлар қандай. 18.00—Тенгдошлар. 18.45—Ахборот. 19.00 Футбол. СССР кубоги учун 1-лига. Ярим финал, «Пахтакор» —«Даугава» (Рига). Танаффусда — Ахборот. 20.45 — Катталар учун мультфильм. 21.00 Фильм-концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Телеэкран янгиликлари. 22.30 — Ёшлик. 23.35 — Киносаёҳатчилар альманахи.

УзТВ-II Фрунзе. 16.40 — Мультфильм. 17.00 — Реклама. 17.10 — Фильм-концерт. 17.30 — Телефильм. 17.50 — Дала шийпонидан репортаж. 18.50 — Хабар берамиз, кўрсатамиз, шарҳлаймиз. 19.50 — Ҳужжатли фильм. 20.00—Мезгил. 20.30—Дидарлашуув. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Сабзавот конвейери—88. 22.25 — «Қизил ёй». Бадиий фильм.

31 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — «Спортлото». 10.00 — «Будильник». 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан!. 11.30— Тонгги почта. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.00 — Музикали киоск. 13.30—«Қишлоқ янгиликлари». 14.30—«Здоровье». 15.15 — Мультфильм. 15.50 — Баскетбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — «Атланта Хоукс». (АҚШ). 17.10 — Бугун—СССР Ҳарбий-Денгиз флоти куни. 17.25 — Мультфильм. 17.35 — «Жонли планета». Ҳужжатли фильм. 3-серия. 18.30—Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильм. 20.00 — «Қонун—қонунда». Бадиий фильм. 21.30— Время. 22.00 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.35 — П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари. 23.30 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг!. 8.45 — Совет поэзияси. 9.35 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.35 — Реклама. 10.40 — Портретлар. 11.50 — Реклама. 12.00 — Саёҳатчилар клуби. 13.00 — Фан; назария, тажриба, практика. 13.30 — Реклама. 13.35 — Модомики сиз... 14.20 — Баскетбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — «Атланта Хоукс» (АҚШ). 15.40 —«Қайтиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас». Бадиий фильм. 17.00 —«Қаркур уяси». Фильм-спектакль. 20.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.30—Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45— Реклама. 20.50 — «Прага баҳори» фестивалининг концертлари. 21.30 Время. 22.00 — Футбол. «Зенит» — «Динамо». (К). 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 8.30 — Ассалому алайкум. 10.00 — Оила даврасида. 10.30 — «Масхарабоз табассуми». Спектакль. 11.30— «Жасур капитан бўлган экан». Бадиий фильм. 13.00—«Дўстлик экрани». 14.15 — Меҳнаткашларнинг дам олишига —жиддий ғамхўрлик. 14.55— Реклама. 18.00—Мультфильмлар. 18.30 —Китоб — бизнинг дўстимиз. 19.05 — Ўзбек киноси усталари. Ёқуб Аҳмедов. 20.00 — Ахборот. 20.15—Кимни онам деймaн, кимни қуёшим. 20.30 — Ахборот. 20.50— Сиҳат-саломатлик. 21.30 — Время. 22.00 — Барҳаёт наволар.

УзТВ-II. Фрунзе: 15.20 — Мультфильм. 15.35 — Реклама. 15.50 — СССР Ҳарбий-Денгиз флоти кунига. 16.10— Концерт. 17.15 — «Новинки» киноклуби. 18.35— Телефильм. 19.00 — «Коз караш» Бадиий публицистик программа. 20.00 —Чет эл эстрадаси концерти. 20.30 — Ипподром таклиф этади. 21.30 Время. 22.00 — «Бозор майдонидаги карусель». Бадиий фильм.

Р. — 09904. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 169. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12